Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
13 январь
ЧОРШАНБА
№ 4-5 (12848-49)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

ШОН-ШАРАФГА АЙЛАНГАН БУРЧ

Тинчлик неъматлар ичра энг олий неъматдир. Бугунги дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган хунрезликлар, қонли тўқнашувлар бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб турибди. Шукрки, мамлакатимизда барқарор тинчлик, ривожланиш, тараққиёт муҳити ҳукмрон. Осмонимиз мусаффо, халқимиз ҳотиржам ва эртасидан кўнгли тўқ. Тўйлар тўйларга уланмоқда. Ўтаётган ҳар бир кун яратиш ва янгиланиш, болажонларнинг осмонни тутаётган кулгулари билан тўлмоқда. Буларнинг барчаси иссиқни-иссиқ, совуқни-совуқ демай, тунларни тонгларга улаб халқимиз осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида хизмат қилаётган тинчлигимиз посбонларининг фидокорона меҳнатлари ва албатта, давлатимизнинг ушбу тизимни ривожлантиришга қаратаётган алоҳида эътиборининг самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

Ватан ҳимоячилари ҳақида сўз очилганда, аввало юрт сарҳадларини сергаклик билан қўриқлаётган шижоатли ўғлонлар кўз олдимизга келади.

ШАЪНИМИЗ, ЭЪТИҚОДИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Ватан ҳимоячиси энг шарафли ва олий касб эканини яхши билган йигитларимиз бу номга жисмоний ва маънавий жиҳатлардан муносиб бўлиш лозимлигини ҳам яхши англайдилар ва шу сифат ва хислатларни эгаллашга ҳаракат қиладилар, зеро, улар Ватан ҳимояси ҳаёт-мамот масаласи эканини, эл-юрт тақдири шу нуқтада тутишини чуқур ҳис этадилар. Улар аввало ўз ота-оналарини, ака-укаларини, опа-сингилларини ҳимоя қиладилар. Ўзлари туғилган шаҳар ва қишлоқларини, қавму қариндошлари, бир сўз билан айтганда, Она Ватанни қўриқлайдилар.

Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ҳар бир киши ўз бурчини сидқидилдан, ихлос ва эътиқод ила бажармоғи лозим. Ватан ҳимояси жабҳаларида хизмат қилаётган ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзига топширилган вазифани улуғ масъулият деб билмоғи ва ҳарбий қасамёдлари ҳар қандай вазиятда ҳам сўзсиз бажариши муҳимдир. Киндик қони тўкилган Ватанни, шу мустақил юртни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш инсон учун гўё ўз оиласини, шаънини, номусини, имон-эътиқодини ҳимоя қилиш кабидир.

(Давоми 2-бетда).

МУКОФОТ МУБОРАК!

"Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Унга кўра ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги алоҳида хизматлари, давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки, шунингдек, давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун бир қатор юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари ҳам бор:

"Мардлик" ордени билан

Нишанов Дилшод Абдирахимович – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

"Жасорат" медали билан

Акрамов Дилшод Давлаталиевич – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги "Қамчиқ" қидирув-қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Мажидов Абдурасул Абдухаликович – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияси бошлиғи

"Шуҳрат" медали билан

Разиков Шаҳбоз Умарович – Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти божхона бошқармаси чегара пости контрабандага қарши курашиш гуруҳи катта тезкор вакили

Сормонкулов Адҳамжон Райимович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонмуҳандислик билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари

АҲИЛ ВА АДОЛАТЛИ МАМЛАКАТДА ТИНЧЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни арафасида ЎзА мухбири мамлакатимизда қарор топган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик муҳитининг аҳамияти, бунда миллий армиямиз ҳамда жамоатчилигимизнинг тутган ўрни ҳақида чет эллик экспертлар ва сайёҳлар билан суҳбатлашди.

Танг ЙИНГКСИА, Нанкай университетининг инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича маркази директори ўринбосари (Хитой):

– Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган. Жамиятнинг барча жабҳаларида адолат қарор топган. Мамлакатингиздаги тинчлик-осойишталикнинг асосий омили шу, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда Ватан ҳимоячилари куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши Президент Ислом Каримов раҳнамолигида юрт тинчлигига катта эътибор қаратилаётганига ёрқин далилдир. Мамлакатингизда барча талабларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қуроллар ва техника билан таъминланган миллий армия шакллланган. Бу Ўзбекистон мустақиллиги, тинчлиги, халқингиз фаровонлигининг мустаҳкам асосларидан биридир. Бундай аҳил ва адолатли жамиятга, ватанпарвар ҳимоячиларга эга мамлакатда тинчлик-осойишталик ҳамиша барқарор бўлади.

Ли Санг КЁ, "Dali Trade" компанияси президенти (Жанубий Корея):

– Бугун дунёда рўй бераётган нотинчликлар жаҳон иқтисодиётига, халқаро бизнесга ҳам жиддий путур етказмоқда. Ишбилармонлар тинчлик-осойишталик кафолатланган, қулай бизнес муҳити яратилган мамлакатлар билан ҳамкорликка интилади. Ўзбекистон ана шундай ишончли мамлакат. Бу ерда муваффақиятли бизнес юритиш учун барча омиллар бор. Биз ҳам Ўзбекистоннинг истиқболли бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш ниятидамиз.

Ўзбекистон бошқа давлатлар билан тенглик ва манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ риоя этиш тарафдори экани кўпчилик учун намунадир. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётир.

Жерардо САЛЬГАДО, ўқитувчи (Испания):

– Ҳар қандай соҳанинг ривожи, жумладан, илм-фан тараққиётининг ҳам асосий омили тинчлик ва барқарорликдир. Тинч-осойишта юртда мактаблар, университетлар, илм-фан марказлари фаолият юритади, таълим-тарбия равнақ топади. Азалдан илмий тараққиёти билан дунёга донғи кетган Ўзбекистон бугун ҳам изчил равнақ топаётгани, ёш олимларингиз оламшумул ютуқларни қўлга киритаётгани буни кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон ёшлари миллий армия хизматига танлов асосида қабул қилинишини эшитиб, жуда ҳайратландим ва ҳавасим келди. Бу Қуролли Кучларингиз сафида хизмат қилишнинг нуфузи юқори эканидан далолатдир.

Элиас ВИММЕР, меъмор (Австрия):

– Ўзбекистонга келишим билан бу ердаги обод ва файзли ҳаёт, одамлар юзида акс этган бахтиёрлик ҳисси менга ҳам кўтаринкилик бахш этди. Шаҳарлар обод, бозорлар тўкин-сочин. Бунёдкорлик, ободончилик авжида. Тошкентнинг осуда хиёбонларида сайр қилиб, мусаффо ҳавосидан нафас олиб тўймаяпман.

Мамлакатингизда Ватанни ҳимоя қилиш фақат ҳарбийларнинг эмас, ҳамманинг бурчи, деган ажойиб тамойил бор экан. Бу халқингизнинг бирдамлиги, тинчликсеварлиги, ўз Ватанини чин дилдан яхши кўришидан далолатдир. Тинчликни қадрлаб, мамлакатингизни асраб-авайлаб яшаётган барча Ўзбекистон халқини байрам билан табриклайман.

Ирода УМАРОВА
ЎзА мухбири.

Бугун олий ҳарбий таълим муассасасида ўқишни хоҳловчи йигитлар кўп. Бироқ, бундай билим юртларида таҳсил олиш бахти ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Чунки, ушбу ўқув юртларига жисмонан соғлом, бақувват, билимли ва юксак салоҳиятли ёшлар саралаб олинади.

ЭР КИШИ ВАТАН УЧУН ТУҒИЛАДИ

Вақт тиғиз, аммо ҳаммасига улгуриш керак!

Болалигидан ҳарбий бўлишни орзу қилган шерободлик Шоҳруҳ Обилов беш йил бурун Миробод саноат касб-ҳунар коллежида ўқирди. Ҳозир эса...

"Бир неча ойдан кейин коллежни битираман. Якуний назорат ишлари ҳам бошланди. Мақсадимга эришиш учун олдинда икки йўл бор: муддатли ҳарбий хизматга кетиш, олий харбий таълим муассасасида ўқишни давом эттириш. Қай бирини танласам экан?! Ўзига таваккал, энди буёғи пешонадан!"

Ўзига-ўзи шундай деб, бир тўхтамга келган Шоҳруҳ ҳал қилувчи палла бошланиш арафасида қўли-қўлига тегмай қолишини билмаганди. Икки эшик орасида сарсон. Ҳали олаётган баҳосини ҳалоллаш учун мустақил иш, реферат, курс иши тайёрласа, ҳали тиббий текширувдан ўтиб, жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳон тоширади. Кечалари уйқудан қолиб, тест синовларига тайёргарлик кўради. Хуллас, вақт тиғиз, ҳаммасига улгуриш керак! Баъзан югур-югурдан хуноби ошиб, "дод" солгиси, Сурхондарёга бош олиб кетгиси ҳам келди.

"Ота-онам мени шу умидда ўқитаётганмиди?! Кўпи кетиб озғи қолди. Қирқига чидадим, бирига ҳам чидайман-да!"

Бўзболанинг елкасига шамол тегди...

Курсант бўлиш учун иштиёқнинг ўзи камлик қилади

Тиббий текширувлар хулосаси бухоролик Шоҳруҳмирзо Расуловнинг ҳар томонлама соғлом эканини тасдиқлади. Жисмоний тайёргарлик бўйича синовларни ҳам муваффақиятли топширди. Тест синовларидан ҳам юзи ёруғ чикди.

Хўш, бу у натижага қандай ва нимани эвазига эришди?

Гап шундаки, Шоҳруҳмирзо ҳали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ нуфузли даргоҳнинг курсанти бўлиш, ҳарбий либос кийишни мақсад қилган.

Бунинг учун иштиёқнинг ўзи камлик қилишини, юксак интеллектуал ва жисмоний тайёргарлик, алоҳида руҳий-маънавий хусусиятлар бўлиши лозимлигини тўғри тушунган Шоҳруҳ ҳужжатларини Бухоро иқтисодиёт коллежининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишига топширди. Дарсдан бўш вақтларида қатъий тартиб асосида қўшимча машғулотларга қатнади, спорт билан жиддий шуғулланди.

"Бордию олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга киролмасам, мутахассислигим бўйича ишга жойлашаман!"

Шоҳруҳмирзо бу охирги гапи эканини исботлади...

(Давоми 2-бетда).

МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Тошкент шаҳрида жойлашган Сафарбарлик чақируви резервида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 24 йиллиги муносабати билан "Ватан ҳимоячилари – миллат ғурури" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).



Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.

Қарор ва ижро

БАҒРИКЕНГЛИКДАН ОБОД КЎНГИЛЛАР

Инсон учун ҳаётда эркин яшаш, яқинларига, айниқса, оиласи, фарзандларига ҳамдам бўлишдан-да улуғроқ бахт йўқ. Аммо айримлар бунинг моҳиятини кеч тушунади. Билатуриб баъзан тўғри йўл қолиб, эгри йўлни танлайди, нафс қутқусига учади.

Андижонлик Ҳошимжон Сайдалиев ҳам беш фарзандни вояга етказган, уйли-жойли қилган, набиралар куршовида бахтли ҳаёт кечирарди. Бироқ, бир марта қилсам ҳеч ким билмас, деган ўйда оғуфурушликка қўл урди. Қанчалик катта хато қилганини, болаларининг ҳам бошини эгиб қўйганини қўлга тушгач, билди. Қилмишига яраша узоқ йилга озодликдан маҳрум этилди.

Президентимизнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2015 йил 3 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор билиб-билмай адашган, қилмишидан тўғри хулоса чиқарган кишилар учун катта имконият яратди. Қарор моҳиятида халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик, инсонпарварлик тамойиллари муҳим ўрин тутган бўлиб, унда биринчи навбатда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет эл фуқаролари, ногиронларни жазодан озод қилиш назарда тутилган.

Зангиота туманида жойлашган жазони ижро этиш муассасасида қарор ижросини таъминлашга оид бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида маҳкум Ҳ. Сайдалиевга нисбатан амнистия актини қўллашга оид иш кўриб чиқилди. Суд, прокуратура, ички ишлар органлари масъул ходимлари билан бир қаторда иштирок этган Олий Мажлис Сенати аъзолари ва жамоатчилик вакиллари маҳкум билан очиқ мулоқот қилиб,

(Давоми 3-бетда).

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

ШОН-ШАРАФГА АЙЛАНГАН БУРЧ

Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 24 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан вилоятимиздаги барча ҳарбий қисм, корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоаларида маънавий-маърифий тадбир ва учрашувлар ўтказилмоқда. Ушбу қутлуғ санага бағишланган вилоятимизнинг асосий байрам тадбири Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида бўлиб ўтди.

"Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан" шиори остида ўтган тадбирда Тошкент ҳарбий округи қўмондонлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегара қўшинлари, божхона хизмати, вилоят прокуратураси, ички ишлар, адлия бошқармалари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, офицер, сержант ва аскарлар ҳамда уларнинг оила аъзолари, фахрий ҳарбийлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Байрам тадбирини вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов олиб борди.

– Миллий армиямиз мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатидир, – деди ҳоким. – Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида жанговар, тактик жиҳатдан ғоят маҳоратли, тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган миллий армиямиз шаклланди. Қуролли Кучлар тизимини ташкил этиш ва бошқаришнинг тубдан ислоҳ қилиниши туфайли бугун ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир йигит учун нафақат бурч, балки шон-шараф ишига айланди.

Дарҳақиқат, бугунги қулай шароит, замонавий қурол-яроғ ва ўқув жиҳозлари билан таъминланган армиямиз сафларида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг чинакам энг улуғ орзусига айланди. Нафақат аскарларга, балки Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган барча ҳарбий хизматчиларга яратилган муносиб иш ва турмуш шароити барчамизнинг ҳавасимизни келтираётгани ҳам айни ҳақиқатдир. Маълумотларга кўра, вилоятимизда сўнгги беш йил ичида намунавий лойиҳалар асосида қурилган турaржойларнинг 570 дан ортиғи, яна ҳар йили 70 дан ортиқ хонадондан иборат кўп қаватли уйлар қурилиб, ҳарбийларимизга узоқ йиллик имтиёзли кредитларга берилаётгани фикримиз тасдиғидир.

– Биз ҳарбийларнинг хизматдан хаёлимиз чалғишга, турмуш ташвишларига кўмилишга ҳаққимиз йўқ, – дейди янги уй соҳибларидан бири, сержант Мақсуд Эрматов. – Чунки, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш бизнинг зиммамизда. Шуларни ўйлаб бизларга яратиб берилаётган шароит ва имтиёзлардан жуда хурсандмиз. Хусусан, менга ҳам барча қулайликларга эга, асосийси, узоқ йиллик имтиёзли кредит эвазига уй насиб этди.

Тантанали тадбирда хизмат вазифасини сидқидилдан бажараётган бир гуруҳ ҳарбийларга вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳарбий округ қўмондонлигининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари ва навбатдаги ҳарбий унвонлар топширилди.

Ҳарбий оркестр ва эстрадамиз юлдузларининг Ватан, ҳурлик, жасорат ва муҳаббатни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари барчани рақсга чорлади.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Даврон АҲМАД, Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ШАЪНИМИЗ, ЭЪТИҚОДИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Она Ватан ҳимояси мавзусида сўз борар экан, Темур Малик, буюк саркарда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби улуғ юртпарварлар, Ватан озодлиги йўлида қўлида тиғ ила жон берган Шайх Нажмиддин Кубро, Ватан ҳажри ва доғида ёниб ўтган Бобур Мирзолар ибрати беихтиёр кўз олдимизга келади.

Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурнинг нақадар буюк ватанпарвар бўлгани тарихдан яхши маълум. Улуғларимиз таъкидлаганидек: "Миллат ғамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахсдир".

Биз фарзандларимизга шу улуғлар йўлини, уларнинг она Ватан ҳимояси ва манфаати йўлида кўрсатган буюк жасоратлари ва садоқатларини англатмоғимиз лозим. Шунда уларнинг дилидан Ватанга муҳаббат туйғулари, юртни ташқи ёвуз кучлар хуружидан ҳамиша ҳимоя қилиш ҳисси мустаҳкам ўрин олади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ватан ҳимояси барчамизнинг муқаддас бурчимиз! Азиз юртимизда истиқлол берган улкан имкониятлар ҳақида қанча сўзласак, шунча оз. Зеро, мустақиллик туфайли ҳаётимизда ёрқин саҳифалар очилди, эмин-эркин тоат-ибодат қилиш имкониятига эга бўлдик, диний-маънавий қадриятларимиз халқимизга қайтарилди. Имон-эътиқодимиз ва эртанги кунга ишончимиз янада мустаҳкамланди. Шаҳару қишлоқларимиз кўркам ва обод бўлди. Ҳаётимизга беқиёс маъно ва мазмун олиб кирган тинчлик дея аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, шукр қилиш, уни асраб-авайлаш барчамизнинг устувор вазифамиздир.

Аллоҳ таоло мустақил юртимиз сарҳадларини сергаклик билан қўриқлаётган фарзандларимизни, Ватанимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган барча ака-укаларимизни ўзининг хифзу ҳимояси сифатида сақлаб, азиз диёримиз осмонини мусаффо, тинчлигимизни барқарор ва мустақиллигимизни боқий қилсин!

Одилжон НАЗРУЛЛАЕВ,
Янгийўл тумани "Жоме" масжиди имом-хатиби.

Истиқлол шарофати, Ватан, эл-юрт мадади, рағбати билан жамиятнинг таянчи бўлган мард-жасур ўғлонлар камолга етмоқда. Улар Истиқлолга қалқон, Ватанга посбон бўлиб оналар кўксини осмон этмоқдалар. Қарийб, 24 йилдан буён анъанага кирган 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунида уларга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатилиши шу фидойилик эътирофидир.

АСКАР ОНАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Қибрай туманининг муҳташам маданият саройида вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар, мудофаа ишлари бошқармалари, Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари қўмондонлиги ҳамкорлигида "Аскар оналарини шарафлаймиз" шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.

– Давлатимиз раҳбарининг Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга оид фармойиши асосидаги тадбирларимиздан бирини "Аскар оналарини шарафлаймиз" деб номладик, – деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Зеро, юртимиз сарҳадларини мардона қўриқлаётган, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, энг катта, бебаҳо бойлигимиз – тинч ва осойишта ҳаётимизни асраётган мард, жасур ўғлонларни тарбиялаб, вояга етказган мунис онахонлар ҳар қанча иззат-икром, эҳтиромга лойиқ...

– "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиорида қалби ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат туйғуларига тўлиб-тошган Ватан ҳимоячиларининг эзгу истаклари, дил сўзлари ифодаланган, – деди Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзоси Абдулазиз Абдуллаев. – Улар истиқлол фарзандлари, жонажон Ўзбекистонимиз, миллий Армиямизнинг садоқатли аскарларидир...

Тадбирда вилоятимизнинг ботир аскарлари ва уларнинг оналарига Тошкент ҳарбий округининг ташаккурномалари, МХХ чегара қўшинлари раисининг миннатдорчилик хатлари топширилди.

Оддий аскар ... "Онамга хат" қўшиғини ижро этганида оналарни соғинчу фахр-ифтихор туйғулари қамраб олди. Уларнинг ҳар бири ҳарбий хизматдаги ўғилларини эслаб, энтикиб қўйишди. Айниқса, қўлларида гул билан кириб келган аскарларнинг ташрифи оналар учун кутилмаган совға бўлди...

Чуқур ҳаяжону шодлигини яширолмай қолган оналарнинг кўзларида қувонч ёшлари:

– Залда ўтириб, "ҳозир ўғлим нима қилаётган экан", деб хаёлан Жасур билан суҳбатлашаётган эдим, – дейди Бўстонлиқ туманилик Муяссар Шодиева. – Уни саҳнада кўриб, очиғи кутилмаган бахтдан шошиб қолдим. Шундай ажойиб дийдор онлари учун учрашув ташкилотчиларига миннатдорчилик билдираман.

– Мен фарзандим Баҳодирни мустақил Ўзбекистонимиз Қуролли Кучлари сафида Ватан ҳимояси, эл-юрт тинчлиги учун хизмат қилаётганидан ғоят хурсандман, – дейди чирчиқлик Васила Ҳошимова. – Исми жисмига монанд Баҳодиржон ҳарбий хизмат даврида янада улғайиб, камолга етибди.

Қисқаси, байрамга ташриф буюрган меҳмонлар, оналару аскарларнинг кўтаринки кайфияти тадбир ташкилотчиларини ҳам хушнуд этди. Санъаткорлар, сўз усталарининг чиқишлари тадбирга алоҳида файз бағишлади.

Сайёра ЭШМАТОВА.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

ЖАСОРАТЛИ ЎҒЛОНЛАР

Ватан ҳимоячилари ҳақида гап очилганда, мамлакатимиз раҳбарининг таърифи ёдга тушади: "Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини, чегараларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш йўлида тоғдек таянч бўлиб келаётган жасур ва фидойи ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг мардонавор хизмати туфайли юртимизда осуда ҳаёт ва барқарорлик ҳукм сурмоқда ва бу бизнинг энг катта, бебаҳо бойлигимиздир".

Ҳақиқатан ҳам, Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг Бекободдаги ҳарбий қисмларидан бирига борганимизда шундай таърифга муносиб жасур чегарачиларимиз борлигидан қалбларимиз фахру ифтихор туйғуларига тўлди. Бир-биридан ўктам ҳарбийлар сафга тизилиб, чегара постларига шаҳдам қадамлар билан кетишар экан, улардаги ғайрат, шижоат, қатъият, озод Ватан сарҳадлари дахлсизлиги ишончли қўлларда эканини исботлаб турарди. Улардан 8 нафари Юртбошимиз фармони билан "Жасорат" медалига сазовор бўлди.

– Мен ҳаётимни ҳарбий хизматсиз тасаввур этолмайман, – дейди кичик сержант Баҳодиржон Эгамов. – 13 йилдан буён чегарачи деган шарафли номни ардоқлаб келаётганим муносиб баҳосини олди. 2014 йил шахсан муҳтарам Президентимизнинг ўзлари менга "Жасорат" медалини топширдилар. Ҳаётимнинг энг унутилмас лаҳзаларида мен бутун умримни Ватанимга садоқат билан хизмат қилишга бағишлайман, дея аҳд қилдим. Икки ўғил, бир қизим бор. Келажакда фарзандларим ҳам ҳарбий бўлади, эл-юрт тинчлигини сақлайдиган мард, жасур ўғлон бўлиб етишади, деган ниятдаман.

Оддий аскар Эркин Темиров ҳам 2013 йили "Жасорат" медали билан тақдирланиб, шу йили янги уйга кўчиб кирган экан.

– 10 йилдан буён ҳарбий хизматчи бўлиб, Ватан ҳимоясига, эл корига яраётганимдан фахрланаман, – дейди у. – Мустақил Ўзбекистон ҳимоячиси деган шарафли номга муносиб бўлиш бахтидан, тақдиримдан ғурурим, ифтихорим чексиз. Ўғилларим Темурбек, Артурбек ҳам келгусида албатта ҳарбий бўлади...

Ватан ҳимоячилари билан суҳбатлашиш асносида уларга яратилган шароитлар билан ҳам танишдик. Энг аҳамиятлиси улар ўз юртида йигитлик бурчини ўтамоқда. Қоларверса, ота-онаси, оиласи бағрида яшаётгандек меҳр-оқибат, маъмурчилик, фаровонлик неъматларидан бахраманд. Қисқаси, кўксини Ватаннинг юксак мукофотлари "Жасорат", "Шуҳрат" медаллари, "Чегара аълочиси", "Қуролли Кучларнинг 20 йиллиги" кўкрак нишонлари безаб турган фидойи чегарачи ҳарбийларнинг самимийлиги, ҳаётидан мамнунлиги қалбимизни қувончга тўлдирди. Асосийси, халқимизнинг тинч-осуда ҳаётининг ишончли кафолати – қудратли Қуролли Кучларимиз сафларида шундай жасоратли ўғлонларимиз бор, эртанги кунимиз нурли, келажагимиз порлоқ бўлиши шубҳасиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Ёшларни Ватанимиз сарҳадларини фахр ва ифтихор туйғулари жўш урган ҳолда мардонавор қўриқлаш, шижоат ва матонатли инсонлар қилиб камол топтириш, миллий қадриятларимизга ҳурмат, ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси этиб вояга етказиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий ва вилоят кенгашлари, республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий ва вилоят кенгашлари масъул ходимлари, Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, партиянинг "Аёллар қаноти" етакчилари, ҳарбийлар, шоир ва ёзувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

– Миллий армиямиз сафларида фидойи, содиқ аскар ва сержантлар, мард ва малакали офицерлар бор экан, юртимизда тинчлик барқарор бўлади, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одилжон Тожиев. – Сабаби аскарларимизга яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар юртимизда Қуролли Кучларни тезкор-стратегик бошқаришнинг замонавий ва самарали тизими яратилганидан далолат беради.

Ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги концерт дастури ва шеърхонлик барчага хуш кайфият улашди.

Тадбирда, шунингдек, "Шарқ зиёкори" нашриётининг китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Бектош ИСМОИЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЎҒЛИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН!

Паркентлик Шоҳруҳбек Асомов ҳарбий хизмат бурчини Навоий вилоятида адо этмоқда. 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Тошкент Давлат аграр университетида уюштирилган "Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси" мавзуидаги видеомулоқотга Шоҳруҳбек сингари муддатли ҳарбий хизматни Навоий вилоятида ўтаётган аскар йигитларнинг ота-оналари ҳамда вилоятимизда йигитлик бурчини ўтаётган навоийлик бир гуруҳ аскарлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Тошкент ва Навоий вилоятлари ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган видеомулоқотни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева кириш сўзи билан очиб, мустақиллик йилларида миллий армиямизни ислоҳ этиш ва унинг мудофаа қудрати, жанговар салоҳияти, мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлиги ва халқимизнинг тинч ҳаётини кўз қорачиғидек асраш бўйича тайёргарлигини янада мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

– Мен бугун энг бахтли оналардан бириман, – деди бўкалик Турсуной Тошпўлатова. – Негаки, Навоийдаги ҳарбий қисмлардан бирида йигитлик бурчини ўтаётган ўғлим Иномжон Исломовни ҳарбий либосда кўриб, фахрланиб кетдим. Фарзандим анча улғайибди, нигоҳларида қатъият сезилиб турибди.

– Миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш шу юрт ўғлониман деган йигит учун юксак шараф, – дейди вилоятимизда ҳарбий қисмларидан бирида йигитлик бурчини ўтаётган навоийлик оддий аскар Жасурбек Козимов. – Ҳарбий хизматчилар учун барча зарур шароитлар яратилган. Келажакда қайси касб эгаси бўлишимдан қатъи назар, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини асрашдек шарафли ишга доим тайёрман. Шундай замонавий миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётганимдан фахрланаман!

Мулоқот жараёнида ота-оналар фарзандларининг ҳарбий ҳаёти, уларга яратиб берилган шароитлар ҳақида суҳбатлашиб, байрам тилакларини изҳор этишди. Шунингдек, Навоий вилоятидан келиб хизмат қилаётган аскарлар ҳам ота-оналари ва яқинлари билан монитор орқали кўришиб, байрам табриги ва эзгу тилакларини тингладилар.

Исмоил ТОШЕВ.
Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

ЭР КИШИ ВАТАН УЧУН ТУҒИЛАДИ

Юқори малакали офицер кадрлар

Шоҳруҳ Обилов, Шоҳруҳмирзо Расулов... Булар бирдан бирга самарқандлик Нурмуҳаммад Олимов, наманганлик Ҳасанбой Абдуманнопов, Тошкент вилоятидан Музаффар Эрназаров каби ўнлаб ёшлар Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида таҳсил олмоқда. Улар олий ҳарбий таълим муассасалари ўртасида ўтказиб келинаётган турли танлов ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, тенгдошларига намуна бўлаётир.

Дарвоқе, мазкур муассаса мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун танк, ҳаво-десант, зенит-ракета қўшинлари, терроризмга қарши ва махсус операция кучлари бўлинмалари тактик қўмондонликлари ва бошқа йўналишлар бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрлайди.

Ҳарбий таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари ва симуляция воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Курсантларнинг ҳарбий мутахассис сифатидаги маҳорати, кўникма ва малакаси, маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтириш ишлари уйғун олиб борилмоқда.

Ушбу олий ҳарбий таълим даргоҳида тактика, ўқ отиш, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, тарбиявий ишларни ташкил этиш, тиллар, жисмоний тайёргарлик ва спорт, информатика ҳамда ахборот, табиий, илмий фанлар сингари кафедралар фаолият кўрсатмоқда. Ўқув жараёнига кўп йиллик ҳарбий ва педагогик тажрибага эга мутахассислар жалб этилган.

Ўқ отиш, ҳаво-десант, кимёвий ва муҳандислик, кинология тайёргарликлари ҳамда терроризмга қарши ва махсус тактик ҳаракатлар бўйича амалий машғулотлар ўтказишга мўлжалланган ўқув майдончалари, курсантларни чиниқтириш, шунингдек, техника ва макетлар жойлашган ўқув хоналари замонавий жиҳозланган. Бассейн ва спорт майдончалари, тўсиқлардан ўтиш йўлаклари, жанговар машиналарни бошқариш, қуролдан ўқ отиш каби компьютерлаштирилган ўқув тренажёрлари курсантлар ихтиёрида.

Курсантларнинг жисмоний тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш мақсадида кураш, бокс, оғир ва енгил атлетика, волейбол, баскетбол тўгаракларида, замонавий тренажёр заллари фаолияти йўлга қўйилган. Ҳар бир курсант дарс ва машғулотлардан бўш вақтида бирор спорт тури билан мунтазам шуғулланади. "Жисмоний тайёргарлик ва спорт" кафедрасидаги малакали офицер ўқитувчилар томонидан курсантларнинг жисмоний тайёргарлигини юксалтиришнинг замонавий услуб ва усуллари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётир.

Бу ишлар самарасида мазкур олий ҳарбий таълим муассасаси жамоаси мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида ўтказиб келинаётган турли спорт мусобақаларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кутубхонасида 40 минг нусхадан ортиқ китоб, саксондан зиёд номдаги газета-журналлар мавжуд. Кенг, ёруғ ва шинам ўқиш зали ҳамиша гавжум. Курсантлар бўш вақтини, айниқса, ўқув ва махсус адабиётлар бўлимларида ўтказишга интилади. Электрон кутубхона ташкил этилгани олий ҳарбий таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари ва илм-фан ютуқларидан унумли фойдаланиш, зарур маълумотларни тезкор топиш имконини бермоқда.

...Январнинг яна бир куни тонг либосини кия бошлади. Курсантлар батальони навбатдаги тактик машғулотларни ўташга киришди. Компьютерлаштирилган тренажёр залида иш қизғин. Курсантлардан бири Нурмуҳаммад Олимов бошига махсус шлем кийиб, вазифани бажаришга киришди. Қатъий назоратга олинган ҳудудга кириб қолган номаълум вертолёт ва самолётлардан бир нечтасини белгиланган вақт ичида уриб туширди.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ОНАЛАРИ БАХТЛИ, БОЛАЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТ

Зангиота туманида "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, жамият мустаҳкам бўлади" мавзуида хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда депутатлар, партия фаоллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ҳар бир йилни муайян ном билан аташ, шу асосда махсус Давлат дастури ишлаб чиқиш ва унинг ижросини изчил амалга ошириш яхши анъанага айлангани, қайси йилга қандай ном берилишидан қатъи назар, мазмун-моҳиятида аввало инсон, унинг манфаатлари, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадлар мужассам экани алоҳида таъкидланди.

Ўтган йиллар юртимизда Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустаҳкам оила йили, Соғлом бола йили, деб эълон қилингани ва улар бир-бирига узвий боғланиб, тўлдириб келгани бунга ёрқин мисол.

Жорий йил Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва янги босқичда давом эттиришда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбирда "Баркамол ва соғлом авлодни тарбиялаш мамлакатимизнинг буюк келажаги гаровидир", "Соғлом фарзандни вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг орзуси", "Ўзбекистон оналари бахтли, болалари соғлом мамлакат" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

– Мамлакатимизда соғлом она – соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган, – дейди "Хонобод" қишлоқ врачлик пункти мудири Наргиза Турсунбоева. – Ишлаб чиқилган кенг кўламли дастурлар доирасида мамлакатимиз тиббиётида мутлақо янги тизим бўлган перинатал, скрининг хизматлари, репродуктив саломатлик марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланган туғруқ мажмуалари барпо этилди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда ўсмир қизлар, туғруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ёш оналарнинг саломатлигини доимий назорат қилиб бориш, уларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш учун зарур шароит ва имкониятлар яратилган. Бугун бу улкан ишлар жаҳон миқёсида тан олиниб, кенг эътироф этилмоқда.

Тадбир якунида ташкилотчилар томонидан бир гуруҳ ёш болали оналарга хайрия совғалари топширилди.

ЎзА.

Сарҳисоб

КЕЧАГИ БИТИРУВЧИ – БУГУН ИШЧИ

Фарзандларимиз таълим-тарбия олиши, ўқишни кейинги босқичда давом эттиришида, албатта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари зиммасига улкан масъулият юкланади. Шу маънода 2015 йил бошқа соҳаларда бўлгани каби бизнинг соҳада ҳам ютуқларга бой бўлди.

Бугунги кунда вилоятимиздаги 129 та таълим муассасасида 111 минг 593 ўқувчи 124 касб бўйича таълим-тарбия олаяпти. Улар ўртасида "Диний экстремистик оқимлар ҳамда оммавий маданиятнинг ёшлар тарбиясига таъсири ва оқибатлари", "Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, назоратсизликнинг олдини олиш", "Миссионерлик, диний экстремизм – тараққиёт душмани", "Эрта шаърий ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш", "Ҳаёт нақадар гўзал" мавзуларида тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" маркази, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура, ички ишлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган "Бахтиёрлар диёри" кўрик-танлови ўтказилди. Ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган "Сиз қонунни биласизми?" танлови, айниқса, юқори савияда ўтди. Кўрик-танловнинг республика босқичида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг "Ҳақиқат" жамоаси фахрли 2-ўринни эгаллади.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури асосида ёшларни катталарга ҳурмат, кексаларни эъзозлаш ва уларга нисбатан меҳр ва мурувват руҳида тарбиялаш мақсадида ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олишга қаратилган "Фарзандлик бурчим" лойиҳаси амалга оширилди. Таълим муассасалари ўқувчилари ҳудуддаги кексалар уйларига ташриф буюришиб, уй юмушларига кўмаклашишда ва доридармон олиб келишда ёрдам кўрсатишди. Коллеж ҳамширалари уларнинг соғлиғини доимий назоратга олишди.

Хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш мақсадида "Одам савдоси – давр муаммоси" тарғибот лойиҳаси бўйича 625 дан ортиқ тадбир ўтказилиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, вилоят, шаҳар ва туман прокуратураси, ички ишлар, адлия бошқармалари ходимлари мавзуга доир маърузалар билан иштирок этдилар.

Ёшлар, шу жумладан, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган "Жиноят ва жазо" тарбиявий тадбирлари амалга оширилди.

2014-2015 ўқув йилида 121 та касб-ҳунар коллежини 110 та мутахассислик бўйича битирувчиларининг корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташини ташкил этиш ва кейинчалик ишга жойлаштириш мақсадида 36 минг 875 та уч томонлама шартномалар тузилди.

Битирувчиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида ҳудудларда бўш иш ўринлари бўйича 81 марта ихтисослаштирилган ярмарка ўтказилди. Уларда 3 минг 819 та корхона ва ташкилот 41 минг 360 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Натижада, 923 битирувчи ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлди.

Бундан ташқари, коллеж битирувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирокида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўртамахсус, касб-ҳунар таълими маркази, Марказий банк ҳамда вилоят ҳокимлиги билан биргаликда тасдиқланган режа асосида ҳар бир касб-ҳунар коллежида битирувчилар учун соддалаштирилган кредитлар олиш бўйича амалий тадбирлар ўтказилди. Натижада, 1523 битирувчи банк кредити ҳисобига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги борлиги аниқланиб, бугунги кунда 754 битирувчи 10 млрд. 893 млн. сўм имтиёзли кредитлар олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган.

Азимжон КАРИМЖОНОВ,
вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Тадбиркорлик

Янгийўл туманидаги "Rasulov GI" хилма-хил сифатли маҳсулотлари билан республикада довруғ қозонган корхоналардан. Ҳозир корхонада эшикнинг 4 хил турдаги 300 га яқин модели, ромнинг 2 хил турдаги 10 хил модели ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар харидорлар эътиборини қозонмоқда.

ХОНАДОН ФАЙЗИ ЭШИКДАН

– Биз учун энг муҳими сифат, – дейди корхона раҳбари Баҳром Маҳмудов. – Ишлаб чиқаришда, аввало, сифатли хом ашёдан фойдаланамиз. Маҳсулотнинг сифатига қатъий аҳамият берамиз. Бир йил кафолатга эга эшик ва ромларимиз, иссиқ ва совуқни ўтказмайди. Маҳсулотнинг устки қисмини силлиқлаш ва шпон билан ишлов беришни йўлга қўйдик.

Дастлаб кичик цех кўринишида иш бошлаган корхонада 350 киши ишламоқда. Германия технологиялари ойига 3000 дона эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

Маҳлиё ИСРОИЛОВА.
Даврон АҲМЕДОВ олган сурат.

Фан олимпиадаси

619 ЎҚУВЧИ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Умумтаълим мактабларида бўлгани каби, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида ҳам фан олимпиадаларининг ҳудудий босқичлари бўлиб ўтди. Бунда вилоятимизда мавжуд 7 та академик лицей ва 122 та касб-ҳунар коллежининг 2-3-курс ўқувчилари иштирок этди.

– Олимпиада вилоят бўйлаб жами 11 та ҳудудда ташкил этилди, – дейди вилоят ўртамахсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бош услубчи-маслаҳатчиси Абдурасул Зокиров. – Сабаби, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон каби туманларда таълим муассасалари кам. Шунинг учун улар Паркент ва Чиноз туманларига бирлаштирилди.

Ўқувчилар 14 та умумтаълим фанлари бўйича ёзма, амалий ва тест кўринишида билимларини синадилар. Ишларни адолатли ва ҳаққоний текшириш учун ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳам олдиндан саралаб олинди. Яъни, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида таълим бераётган ўқитувчилар тест синовларидан ўтказилди. Энг яхши натижа кўрсатганлари аъзоликка қабул қилинди.

Олимпиада натижаларига кўра, иккинчи босқичда қатнашган 2946 ўқувчидан 619 нафари ғолибликни қўлга киритиб, вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Нозима РАСУЛОВА.

Семинар

ФОЙДАЛИ ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигида вилоят ҳудудида 2016 йилда чорвачиликни ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишлаб ўтказилган семинарда вилоят ҳокимлиги бошқарма ва ташкилотлари вакиллари, туманлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, чорвачилик фермер хўжаликлари раҳбарлари, чорвачилик соҳасида илмий фаолият олиб бораётган тадқиқотчи олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.



Семинарни вилоят ҳокимининг ўринбосари Олимжон Нурматов бошқарди.

Тадбирда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича ўтган йили амалга оширилган ишлар, бу йил чорвачилик, хусусан, қўйчилик ва эчкичилик соҳаларини бутунлай янгича тизим асосида ривожлантириш юзасидан тегишли идора, тижорат банклари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари олдида турган муҳим вазифалар хусусида фикр юритилди.

Семинар давомида чорвачилик, қўйчилик, эчкичилик соҳаларини ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида вилоят молия, ветеринария, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, наслчилик хизмат, халқ банкининг республика ва вилоят бўлими раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Шунингдек, вилоятда наслчилик ишлари ва натижалари муҳокама қилинди. Соҳани янада ривожлантиришга оид самарали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда сунъий уруғлантиришни тизимли ташкил этишга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Бектўра ТОШБОЕВ.
Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.

Қомусимиз – бахтимиз

Мустақилликка эришган ҳар бир давлат сиёсий ва ҳуқуқий ривожланиш йўлини белгилаб, янги жамият қуришга ва ижтимоий тараққиётнинг демократик конституциявий моделини яратишга ҳаракат қилади. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 11-сессиясида Президентимиз И. А. Каримов "Биз ўз тараққиёт йўлимизни Конституция асосида белгилаб олишимиз лозим. Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ" деб таъкидлаган эди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикасининг демократик ҳуқуқий давлат қуришдан мақсади мамлакатда яшовчи ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашдир. Шу боис Конституцияни қабул қилишда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар – БМТ Уставы, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт ва бошқа умумэътироф этилган конвенциялар асос қилиб олинди. Шу билан бирга, Конституциянинг муқаддима қисмида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги тан олиниши мустаҳкамлаб қўйилди.

Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилининг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши мустақилликнинг энг муҳим ютуқларидан бири бўлди, чунки фақат шундай умум қабул қилинган амалиётда синовдан ўтган демократик йўл билангина лозим даражадаги одил судловни таъминлаш, Конституцияга ва инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ҳужжатларга сўзсиз риоя этилиши, ижтимоий адолат, фуқароларнинг тинчлиги ва тотувлиги, қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботнинг мустаҳкамланишига эришиш мумкин.

Бош қомусимизда республикамизда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши (106-модда) белгилаб қўйилган. Шунингдек, Конституцияда суд ҳокимиятига махсус боб бағишланиб, унда суд тизимининг ташкил этилиши ва судлар фаолияти тамойиллари бир қатор нормалар орқали очиб берилди.

Бундан ташқари, Конституциянинг иккинчи бўлими XI боби "Фуқароларнинг бурчлари" деб номланиб, 47-моддасида "Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларни бажарадилар", деб кўрсатилган. Дарҳақиқат, фуқароларнинг Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва бурчлари табиатига кўра асосий ҳуқуқ ва бурчлар бўлиб, бошқа кўп ҳуқуқ ва бурчлар шундан келиб чиқади ва келажакда фуқароларнинг ҳуқуқий ҳаётида катта аҳамият касб этади.

Конституциянинг 19-моддасига мувофиқ, мамлакат фуқароси ва давлат бир-бирига ҳуқуқ ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир. Конституцияга асосан демократия республикада умуминсоний тамойилларга, яъни инсон энг олий қадрият деган ғоя асосига қурилади. Ҳар бир фуқаро қонун олдида тенгдир ва бошқа фуқароларнинг миллати, тили, дини ва эътиқодини ҳурмат қилиши, шунингдек, ўз ҳуқуқ ва эркинликлари бошқа шахс, давлат ва жамият манфаатларига зиён етказмаслиги лозим.

2010 йилдан бошлаб мамлакатимизда конституциявий ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди десак, муболаға бўлмайди. Чунки, Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида илгари сурилган ғоялар асосидаги таклифлар мамлакатимиз эртанги куни ва тараққиёти учун дастуриламал бўлмоқда.

Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббусига асосланиб, Конституцияга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 98-моддага киритилган ўзгартишлар алоҳида аҳамиятга эга: "Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади". Бу мамлакатимиз ҳаётини янада демократлаштиришдаги муҳим қадам ва Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланаётганининг амалдаги ифодасидир. Чунки, Бош вазир лавозимига номзодни сиёсий партиялар таклиф этиши фуқаролик жамиятининг бу муҳим институтига билдирилган ишончдир. Мазкур нормаларни сиёсий партияларнинг янада фаол бўлишига, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатишига, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган ҳуқуқий асос сифатида баҳолаш мумкин.

Конституциявий ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида янада муҳим бўлган "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди. Бу ҳам фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Шунингдек, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш мақсадида сайлов қонунчилиги такомиллаштирилаётгани конституциявий ислоҳотларнинг мантиқий давоми ва фуқаролик жамияти шаклланишининг навбатдаги босқичи дейиш мумкин. Чунки, сайлов ҳуқуқи демократия омилларидан бири бўлиб, халқнинг ўз ҳоҳиш ва иродасини мустақил билдиришида намоён бўлади. Эркин ва адолатли сайловчилар фуқаролик жамиятининг муҳим мезони ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ва ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини изчил либераллаштириш ва модернизация қилиш ҳамда "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини татбиқ этишда мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Х. ҲУСАНОВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими.

Қарор ва ижро

БАҒРИКЕНГЛИКДАН ОБОД КЎНГИЛЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

унинг чин кўнгилдан пушаймонлиги, хатосидан тўғри хулоса чиқарганини инобатга олиш лозимлигига эътибор қаратди. Ниҳоят, суднинг ажрими эълон қилинди: Ҳ. Сайдалиев амнистия актига асосан жазодан муддатидан олдин озод этилди.

– Миллий қонунчилигимизда халқимизга хос бағрикенглик ўз ифодасини топгани мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ишларнинг ёрқин намунасидир, – дейди Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани суди раиси вазифасини бажарувчи Мамадали Аҳмедов. – Амнистия замирида ҳам ана шундай эзгулик мужассам. Зеро, юртимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида бу тамойиллар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Амнистиянинг суд томонидан қўлланилаётгани инсон ҳуқуқларини суд орқали самарали таъминлашни кафолатлаш механизмини янада мустаҳкамламоқда. Мамлакатимизда амнистия актининг ҳар йили эълон қилинаётгани

– Юртбошимизнинг доим халқни ўйлаши, хато қилганни кечириши жуда катта бағрикенглик, – дейди Зулфизар Сайдалиева. – Ана шундай имконият туфайли отам қисқа муддатда озодликка чиқарилди. Оиламизга ёруғлик қайтди, бағримиз яна тўлди. Бунинг учун биз давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдормиз.

Суднинг ажримига мувофиқ жазодан озод этилганлардан яна бири бухоролик Нишонжон Қўчқоров. Эндигина йигирма ёшга қадам қўйган бу йигитнинг нигоҳларида ёшликка хос шижоат эмас, балки афсус-надомат яққол кўринади. У ўйламай босган қадами нафақат ўзи, балки оиласи шаънига иснод келтирганидан қаттиқ пушаймон.

– Касб-ҳунар коллежида ўқиб, автомобилларни таъмирлаш бўйича яхши ҳунар эгаллагандим, – дейди Н. Қўчқоров. – Ҳалол меҳнат қилишни давом эттирганимда ўғирлаганимдан кўра кўпроқ барака кўришим мумкинлигини кеч тушундим, қилмишимдан қаттиқ пушаймонман. Президентимиз мен каби адашганларни афв этиб, тўғри йўлга тушишим учун имконият берди, амнистия шарофати билан жазодан муддатидан илгари озод этилдим. Энди фақат ҳалол меҳнат билан эл-юртга фойда келтираман.

– Қарорга мувофиқ, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этгани учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинмоқда, – дейди Тошкент махсус прокурори вазифасини бажарувчи Мухтор Муҳаммедов. – Бундай имконият айбига иқрор бўлиб, қилмишидан афсус-надомат чекаётган маҳбусларнинг ўз оиласи бағрига қайтиши учун кенг йўл очди. Бундай бағрикенглик ва кечиримлилик билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шу куни ўн нафардан зиёд маҳбус амнистия актига мувофиқ озодликка чиқарилди. Бу ўз хатосини англаб, қилмишидан пушаймон бўлаётган кишилар учун юртимиз равнақи ва фарзандлари келажаги йўлида тўғри яшаб, ҳалол меҳнат қилиши учун берилган улкан имкониятдир.

Қарор ижросини таъминлаш жараёнида жазони ўташ жойларидан озодликка чиқарилганларнинг ижтимоий-маиший таъминоти ва уларни ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларда янгича ҳаёт, меҳнат шароитига кўникма ҳосил қилиш учун барча имконият ишга солинмоқда. Жойлардаги ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, ижтимоий кўникма марказлари томонидан уларга ижтимоий-маиший, моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА муҳбири.

Орамиздаги одамлар

ҲАЁТ ЗАВҚИ

Халқимизда "гўзаллик дунёни қутқаради" деган гап бор. Қизиқ, нима учун шундай? Кексалик остонасида туриб, бу ҳикматнинг мағзини чаққандекман. Фақат ташқи гўзаллик, яъни сурат эмас, балки одамнинг ички дунёси, сийрати ҳам гўзал бўлса, ҳамиша яхшиликка эш, ёмонликдан ҳоли бўлиб, энг муҳими, ёшариб, яшнаб кетар экан одам.

Яқинда шундай инсон билан учрашиб, суҳбатлашиш асносида бунга яна бир бор амин бўлдим. Юзларидан нур ёғилиб турган Клара ая Қамбаровага дафъатан тенгдошлардек муомала қилганимга хижолат ҳам бўлиб қолдим. Ажабо, 75 ёшни қоралаб қолган онахоннинг чеҳрасидан аёллик латофати, ёшлик нафаси уфуриб турарди. Айниқса, ҳаёт ҳақидаги мушоҳадаларини тинглаб туриб, "кенгга кенг дунё"нинг ҳикматига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

– Қаранг, қандай ажойиб Ватанимиз, олижаноб халқимиз бор, – дейди ая. – Ҳар тонг ўрнингиздан туриб, аввал бу дунёни кўриб турганингизга, қолаверса, тинчликда, омонликда яшаётганингизга шукр қилинг. Бошингизда қудратли Ватан, яшаш учун уй, ширингина оилангиз, жондан азиз фарзандларингиз бор. Ахир атрофга бир назар ташланг, нималар бўлмаяпти дейсиз?! Кексаю ёшни ҳам аямайдиган қирғинбарот урушлар, беҳуда қон тўкишлардан ўзи асрасин!

Аммо, аянинг ҳаёт йўлига назар ташласангиз, шу кунларда ҳам завқли меҳнат қучоғида эканидан ҳайратланасиз.

– Ёшлигимдан жамоат ишлари жону дилим эди, – дейди Клара ая. – Аввал ўқувчи-ёшлар, кейин Бекобод шаҳар ёшлари етакчиси, 20 йил давомида вилоят Китобхонлар жамияти раҳбари, ниҳоят истиқлол шарофати билан ташкил этилган "Аёл олами" – "Мир женщины" газеталари бош муҳаррирлиги...

Бу даврлардаги меҳнат фаолияти ҳақида тўлиб-тошиб сўзлар экан, "Мен "Тошкент ҳақиқати" газетаси таҳририяти билан ёнма-ён ишлаганман", дейди ғурурланиб. Айниқса, аянинг китобга бўлган беқиёс меҳридан кўнглингиз равшан тортади:

– Бир кун ҳам китобсиз яшолмайман, – дейди у. – Икки фарзанд, 6 набира, 4 эварам бор. Сал бўш қолсам улар билан китоб ўқийман. Иложи борича компьютер ўйинларидан ҳоли бўлишларини ўқтираман. Зеро, ҳеч бир техника китоб билан тенглашолмайди. Чунки, китоб саҳифаларини бир-бир варақлаб, ҳар бир сўз, иборанинг мағзини чақиб ўқиш бошқаю, бир зумда турли бўлар-бўлмас, одоб-ахлоқ чегарасидан йироқ воқеа-ҳодисалар тасвирини кўриш бошқа, айниқса, ёш вужудни гангитиб, ақлининг ўтмаслашиб қолишига сабаб бўлади. Буни мен ҳаётда кўп кузатганман.

"Ўғил-қизларимизга оила муқаддаслигини тушунтириш учун, аввало ўзимиз ибрат кўрсатишимиз керак" дейди ая. Қолаверса, аёл киши уйнинг файзи, фаришталари дейишади. У нафақат ўзини, балки хонадонини ҳам ораста тута олиши керак. Бунинг учун керакли кўникмаларни оиласидан, ота-онасидан олишини унутмаслиги лозим. Кўпгина ёшларимиз турмушга чиққач ўзларига қарамай қўяди. Энг аввал, ўрнингиздан турганда ойнага қараб, ораста-ланиб олинг. Тиниқиб ухлашни, турли табиий гиёҳлардан тайёрланган ниқоблардан фойдаланишни унутманг. Шунга вақт ажрата олинг. Аёл аввало ўз ҳусни, латофати, ширин муомаласи билан гўзал. Ўзингиздан кўнглингиз тўлса, ишингиз унади".

Ҳақиқатан ҳам, гўзалликнинг, ҳамиша ёшариб, ғайрат-шижоатга тўлиб яшашнинг ўзига хос қоидалари борлиги аниқ. Фақат унга амал қилсак, ҳафсалали бўлишни унутмасак бас.

Саида РАҲМОНОВА.

Илмий-амалий семинар

ДИРЕКТОРЛАР ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида "Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида таълим сифатини оширишда педагогик кадрларнинг роли" мавзуида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги ҳамда республика Таълим маркази ташаббуси билан ташкиллаштирилган семинарда мамлакатимиз вилоятларидан ташриф буюрган ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

– Ҳар чоракда ўтказиладиган илмий-амалий семинарда педагогик фаолиятимиз учун кўплаб маълумотлар оламиз, – дейди Хоразм вилояти Урганч туманидаги 45-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори Эгамберган Қозоқов. – Тошкент вилоятида илк бор ўтказилаётган илмий-амалий семинарда таълим муассасасида яратилган шарт-шароит ва тартиб-интизом, таълим сифатининг самарадорлигини ошириш, чуқурлаштирилган фанларни янги инновацион педагогик технологиялар асосида ўтиш каби янгиликлардан бохабар бўлдик.

Илмий-амалий семинар дастурига мувофиқ математика, она тили, тарих, инглиз тили, рус тили, информатика, биология фанларидан очиқ дарслар ўтилди. Дарс ўтиш услублари вилоят миқёсида оммалаштирилган фан ўқитувчиларининг очиқ дарслари таҳлил қилиниб, аниқланган камчилик ва ютуқлар бўйича тажрибалар алмашилди.

Назокат ДУШАЕВА,
Ўрта Чирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари.
Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.

Долзарб мавзу

ОГОҲЛИК – ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ

Аҳолини, айниқса, ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асраш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар осойишта ва фаровон турмушимизнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Президентимизнинг 1997 йил 10 октябрдаги "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддасида чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш уларнинг мазмуни Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейин амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги "Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси худудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги низомга кўра, диний адабиётларни олиб келиш, сотиш ва тарқатиш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита рухсати билан амалга оширилади.

Қўмита экспертлари мамлакатимизга олиб кирилаётган диний мазмундаги медиа ва матбаа маҳсулотларини ўрганиб чиқади, уларни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш юзасидан хулосаларини беради.

Шундай бўлса-да, мазкур тартибларга риоя қилмай, турли диний мазмундаги адабиётларни ноқонуний равишда мамлакатимизга олиб кириш ва тарқатиш ҳолатлари учраб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасидан маълум қилишларича, 2015 йилда божхоначилар ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан 1200 дан зиёд божхона қоидабузарлиги аниқланган, 50 мингга яқин диний материалнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Ахборот технологиялари жадал ривожланиши билан диний мазмундаги адабиётлар, фото ва видеоматериалларни мобиль телефонлари, ноутбук ва турли хотира қурилмалари орқали олиб киришга уриниш ҳолатлари кўпаймоқда. Масалан, фуқаро М. Носирова (исм-шарифи ўзгартирилган) номига хориждан юборилган почта жўнатмаси божхона назоратидан ўтказилганда буюмлар орасига яширилган ташқи хотира қурилмасида диний мазмундаги ва зўравонликни тарғиб қилувчи ҳужжатли фильмлар борлиги аниқланган.

Пойтахтимизнинг "Келес" темир йўл чегара божхона постида Москва – Тошкент поезди йўловчиси Ф. Бекматовнинг юклари божхона назоратидан ўтказилганда, ундаги мобиль телефонда диний экстремистик ва терроризмни тарғиб қилувчи фотосуратлар аниқланган. Уфа – Тошкент поезди йўловчиси Ш. Одиловнинг мобиль телефони хотирасида ҳам диний мазмундаги, шафқатсизликни тарғиб қилувчи видеофайллар борлиги маълум бўлган.

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан ҳам диний мазмундаги материалларни ноқонуний равишда олиб киришга бўлган уринишларнинг олди олинмоқда. Уфа – Тошкент йўналиши бўйича парвозини якунлаган И. Ҳамидовнинг қўл телефони божхона кўригидан ўтказилганда 10 дона, М. Салимовнинг уяли алоқа воситаси хотирасида 30 дона диний мазмундаги маъруза борлиги аниқланган. Бундай материаллар хорижий давлатлардан қайтган қатор шахслар мобиль қурилмаларида топилган.

Ҳозирги кунда ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мамлакатимиз ҳудудига диний материаллар ноқонуний олиб кирилишининг олдини олиш борасидаги мазкур чора-тадбирлар аҳоли, айниқса, ёшларни турли бузғунчи ғоялардан асраш ҳамда юртимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу каби ҳолатларга ҳеч қачон бефарқ қарамаслигимиз зарур.

Б. БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

ҚАДИМ ЧИНОЗНИНГ КЎҲНА ТАРИХИ

Неча асрларки, Марказий Осиёнинг нозноъматларга бой энг фаровон минтақаси бўлмиш Тошкент воҳаси тарихчи ва ўлкашунослар учун ҳали охиригача ўрганилмаган, ҳамон сир-синоатлари бисёр худудлигича қолмоқда. Бу ерларда М. Массон, Ю. Буряков, М. Косимов, М. Филановий каби таниқли археолог олимлар ўнлаб йиллар давомида илмий тадқиқотлар олиб боришди. Ўнлаб археолог ва маҳаллий ўлкашунослар Буюк Ипак йўли трассаси ва унинг тармоқлари бўйлаб қад ростлаган қадимий шаҳарларга, бу ерларда яшаган халқларнинг ажойиб анъаналари ва урф-одатлари, турли соҳалардаги ҳунармандчиликларига оид ноёб буюмлар топишган.

Ўрта асрлардаги шарқ географлари ёзиб қолдирган маълумотларида таъкидлашларига кўра, "на Хуросонда ва на Мовароуннаҳрда Чоч-Илоқдагичалик кўп шаҳарлар бўлмаган". X асрда Тошкент воҳасида 50 дан зиёд шаҳар бўлган. Чоч (Шош)ни VII асрдаёқ "минглаб қалъалар мамлакати" деб аташган. Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари соҳиллари бўйлаб қуюқ яшил боғ-роғ ва узумзорларга бурканган қўрғонлар, қалъалар ва бутун-бутун шаҳарлар узун занжир кўринишида саф тортган. Воҳа йирик ҳунармандчилик марказига айланиб, қуроляроғ, барча турдаги ҳарбий аслаҳа, от эгар-жабдуқлари, кийим-кечаклар ва қиммат-баҳо металлардан серҳашам идишлар, рўзғор ва зеб-зийнат буюмлари етказиб берган. Ушбу беҳисоб турдаги ноёб буюмлар туркий хонликларда юксак қадрланган ва, албатта, бошқа давлатлардан келадиган меҳмонлару элчиларни ҳайратга солган.

Деярли бутун умрини Тошкент воҳасини ўрганишга бағишлаган археолог, академик Юрий Буряков таъкидлаган эдики, Сирдарёнинг Чиноз тумани қисмидаги кечмага олиб борадиган ва Янгийўл йўналишида ундан нари республиканинг марказий ва жанубий туманларига элтувчи Катта ўзбек трактига параллель шоссенинг эски бир қисми сақланиб қолган. У Чирчиқ дарёси ўзани бўйлаб, бир мунча жануброқдан боради. Бу ердан қадимий савдо йўли ўтган бўлиб, ундан неча-неча асрлар давомида карвонлар Шош (Чоч)дан Сўғд (Самарқанд вилояти)га ва орқага қатнаган.

Қадимий араб сайёҳларидан қолган битикларда келтирилишича, Тошкент – Сирдарё йўли бўйлаб кўплаб аҳоли истиқомат жойлари, Банункент, Залтикент, Данфеганкет, Шутуркет, Чиначкет, Нужакет каби кичик шаҳарлар жойлашган. Бугунга келиб эса, бир пайтлар обдон гуллаб-яшнаган бу шаҳарлар ўрнида боқий сукутдаги тепаликларни, янгича номлардаги шаҳарчаларни кўрамиз.

IX-XII асрларда Ўрта Шарқ мамлакатларини ўзаро боғлаб турган савдо йўллари ҳақида ёзган географлар Сўғдан Чочгача, ундан шарқ томон ва Тошкент воҳасининг сўнгги чегарасигача бўлган йўлда биринчи йирик шаҳар Чиначкет эканини қайд этишган. Буюк шарқшунос олим В. Бартолд уни Чиноз деб атаган.

1934 йилда ушбу ёдгорликни олим Г. Григорьев тадқиқ этиб, умумий схемасини чизган, Чирчиқ дарёсининг шаҳар ёнидан оқиб ўтган ўзани ва Шаҳристон харобаларини аниқлаган. У тўплаган ашёдалиллар X-XII асрларга тегишли бўлган.

Ўтган асрнинг 50-йилларида Тошкент Давлат университетининг археология кафедраси назорат ўтказиб, X-XII асрларга тааллуқли ашёлар тўпланди. Натижада тарих ва археология институти X-XI асрларда ясалган тўқима кумуш билакузукларга эга бўлди.

1963 йилда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ходими С. Эшонхонов Чиноздa таркибидаги кумушнинг миқдори (13 килограммдан кўпроқ) жиҳатидан ҳам, зарб этиш усулларининг хилма-хиллиги жиҳатидан ҳам ноёб кумуш тангалар (кўпроқ сомонийларга тегишли) хазинасини тўплади.

1970-1971 йилларда Чирчиқ дарёси ҳавзасидаги ёдгорликлар кенг кўламда тадқиқ этилди. Шош-Илоқ ва Тошкент археология отрядлари (Ю. Буряков, F. Дадабоев) Чиначкет ёдгорлигини ўрганиш билан шуғулланди. Маълум бўлишича, девор билан ўралган шаҳар 12 гектар майдонни эгаллаган экан. Шаҳристон узра 6-8 метр баландга бўй чўзган тўғрибурчак шаклидаги қўрғон майдон марказини эгаллаган. Шаҳристон ташқарисида аҳоли зич жойлашган. Шаҳарнинг шимол томонида қадимий қабристон бўлиб, анча кўҳна кулолчилик буюмлари қолдиқлари топилган.

Чиначкет шаҳри эса, туташ иморатларни қўшиб ҳисоблаганда 40 гектардан зиёд майдонни эгаллаган.

Энди юқорида эслатиб ўтганимиз – Чиноздa топилган иккита ноёб билакузук ҳақида батафсилроқ тўхталмоқчимиз. 1959 йилнинг май ойида Чиноздаги 2-мактаб ўқувчилари муассаса томорқасида ишлаётиб, иккита кумуш билакузук топиб олишди. Улар XI-XII асрларга тегишли бўлиб, илон ва аждарнинг бош расми билан безатилган. Янгийўлга яқинроқдаги Ўртаовул қишлоғида ҳам шунга ўхшаш кумуш билакузук топилганди. Бундай билакузуклар Кавказ ва Россия ҳудудларида ҳам учраган. Шу намунадаги билакузуклар эрамиздан аввалги IV-III асрларда скифлар даврида пайдо бўлган. Қадимги турли ҳайвонларга сиғиниш одати ҳукм сурган даврда турли безак буюмларига ёввойи ҳайвонлар расмини тушириш жуда кенг тарқалган.

Илон ва аждарларга сиғиниш одати Марказий Осиёда ҳам ва, умуман, бошқа бир қатор мамлакатларда ҳам жуда қадим ўтмишдан мавжуд бўлган. Илонлар тасвири синфий жамиятгача бўлган даврдан бошлаб яқин вақтларгача қоялардаги расмларда, лой, тош ва металлдан ясалган буюмларда кўплаб учрайди.

Турли зеб-зийнатлардаги илонлар тасвири, афтидан кўзмунчоқ ва бало-қазолардан асровчи восита вазифасини ўтаган. Дарвоқе, илонга сиғиниш қадим замонлардан икки хил аҳамият касб этган. Илон оқиллик, эзгулик рамзи бўлган. Чунончи, қадим Грецияда илоннинг тасвири донишмандлик Худоси Афинанинг темир қалпоғини безаган. Ҳиндистонда эса, илоннинг расми деярли ҳамма ибодатхоналарда учрайди.

Афсона ва ривоятларда келтирилишича, илон ва аждарлар хазинаю дафиналарни, ер ости бойликларини, қадимий қабр, яъни муқаддас қадамжоларни қўриқлаган. Айрим халқларда эса ёвузлик рамзи илон образи орқали тасвирланади. Илонни икки хил тасвирлаш эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги доимий курашга ишора бўлса, ажаб эмас.

Тошкент вилоятида бундай билакузуклар жуда кўп топилган ва уларнинг ҳаммаси бир хил металл – кумушдан ясалган. Бу, афтидан, Тошкент воҳасининг қадимдан кумуш конлари билан донг таратганини изоҳлар. Шу маънода Оҳангарон водийси (ҳозирги Лашкарак)даги Қўҳисим ("Кумуш тоғ") конини эслаш кифоя. Бинобарин, Чиначкет (Чиноз) билакузукларини маҳаллий ишлаб чиқариш буюмлари ри қаторига қўйиш мумкин. Қолаверса, хом ашё базаси ёнма-ён бўлган.

Бироқ, XI асрдан бошлаб кумуш қазиб олиш таназзулга юз тутган, у камлик қила бошлаган. Чунки, кумушдан танга пул зарб қилишган, турли безак ва идишлар ясашган. Таназзулдан сўнг бундай буюмларни оммавий ясаш барҳам топди. Ўрта Осиёда ясалган кумуш буюмларнинг ўлкамиздан анча олисларда тез-тез ва кўплаб учраб туришини шу билан изоҳлаш мумкин.

Шош-Илоқ ҳунармандлари қўлида сайқал топган кумуш безаклар карвонлар билан узоқ ўлкаларга йўл олган. Тоғ ва денгиз, чўл ва гуллаб-яшнаган шаҳарлардан ўтувчи Буюк Ипак йўли Шош ва Илоқ водийсининг товарлари, китоблари, камёб дори-дармонлари ва турли зеб-зийнатлари ўзга ўлкаларга тарқалишига замин яратди.

Топилган билакузукларнинг ясалиш услуби, тўқислиги, мураккаблиги ва нафислиги заргар аждодларимиз нақадар юксак бадиий маҳоратга эга бўлганларидан дарак беради.

Чиначкет ҳақида яна нималар дейиш мумкин? Янги эранинг биринчи мингйиллиги бошида бу ерда аҳоли истиқомат жойи бўлиб, унинг базасида, жой ўртасида икки қават қалъа-девор билан ўралган илк феодал даври шаҳри қад ростлаган. У сомоний-қорахонийлар даврида савдо карвонларининг қўниб ўтиш манзили ва халқ ҳунармандчилиги марказларидан бири сифатида тез кенгайиб борди. XIII асрдаги мўғуллар босқинчилигидан сўнг шаҳар аста-секин жануби-ғарб, яъни бугунги Чиноз ҳудуди томон сурила бошлаган.

Чирчиқ дарёсининг қуйи оқими, ҳозирги Чиноз тумани ҳудудидаги яна бир қадимий шаҳар Шутуркет бўлган. Шош пойтахти Бинкетдан 40 километр наридаги Шутуркет шаҳри IX-X асрларда катталиги жиҳатидан Шошнинг учинчи шаҳрига айланди. Бу гўзал шаҳар ўзининг бозорлари билан шуҳрат қозонган. Бир пайтлар гуллаб-яшнаган шовқин-суронли Шутуркетнинг ҳудуди бугун халқ орасида Эски Тошкент ("Пахта" темир йўл станцияси) номи билан маълум.

Халқ хотирасида сақланиб қолган ривоятда айтилишича, Шошнинг Ўрта асрдаги пойтахти айнан шу ерда бўлиб, унда Тош исмли қадимий паҳлавон яшаган. У шаҳарнинг ҳимоячиси, босқинчилардан асровчи халоскори бўлган.

Ўзбек археологлари Шутуркет ўрнидан ажойиб сирланган кулолчилик буюмлари қолдиқлари ва кўплаб шиша буюмлар топишди. Аммо ушбу эртаклардагидек шаҳар, афтидан мўғуллар босқини оқибатида йўқликка юз тутган. Зеро, ўша пайтдаги оловли урушлар жараёнида, яъни XIII аср бошларида Бенакет, Тункет, Туккет, Шоҳсувор ҳамда Шош ва Илоқнинг яна ўнлаб шаҳарлари йўқ қилинди.

Чиноз ҳудудининг Чирчиқ ва Сирдарёнинг қўшилишига яқин, Шошга жануб ва ғарбдан келадиган савдо йўллари туташадиган ерда жойлашгани туманда кўплаб шаҳарлар бунёдга келиши ва ривожланишига замин яратган. Ўша икки савдо йўли Сўғд тоғидан келиб, Уструшон (Жиззах вилояти) ва шимоли-ғарбий Фарғонадан келувчи карвон йўллари тармоғини бирлаштирган. Бу йўл Хаваст орқали "Шош дарёси" (Сирдарё)га келиб, Сирдарё кечувидан ўтгач, шимолга – Бенакет (Шоҳруҳия) сўнг Харашкет (Қанқа), Худойкет (Оққўрғон), Чирчиқ водийси, Чиначкет ва Шутуркет (Чиноз тумани)га ўтган.

Йўл ва унинг тармоқлари бўйлаб Оҳангарон водийси томон бир қатор қалъа ва ҳимоя деворлари чўзилган бўлиб, улар VI-VII асрларга тегишлидир. Ушбу карвон йўли Ўрта асрнинг илк давридаёқ мавжуд бўлиб, Илоқнинг конли ҳудудлари (Оҳангарон тумани)га элтувчи тармоқлар билан боғланганидан далолат беради. Иккинчи йўл Жиззаҳдан Чирчиқнинг этаги томон борган ва Чиначкет бу йўлдаги Шошнинг биринчи йирик шаҳри бўлган.

Қадимий Чинознинг ҳудуди ўрганилган ва ҳали узоқ ўрганилади. 2016 йилда халқаро "Олтин мерос" фонди вилоят бошқармаси Фанлар академиясининг Санъатшунослик институти билан ҳамкорликда, археолог ва этнографларнинг фаол иштирокида Чиноз туманини ўрганишга киришади. Ҳамкорликдаги илмий-экспедициялар дастлабки археологларнинг бой тажрибалари ва тўплаган маълумотларига таяниб, ўқитувчи ва мураббийлар бошлаб берган муҳим ишни давом эттиради.

Тошкент воҳасининг икки гўзал дарёси – Чирчиқ ва Оҳангарон қачон вужудга келган? "Шаҳарларнинг ривожланиши" дея аталмиш жараёнинг ҳаёт томирлари бўлган бу икки дарё Шош-Илоқнинг фавқулодда гўзал тарихи ибтидосига асос солди. Бу шундай тарихки, унда қирғинбарот урушлар ҳам, ажал уруғини сочувчи турли эпидемиялар ҳам, қабилаларнинг мажбурий кўчишлари ҳам кўп такрорланган. Ва шунга қарамай, бу тарих буюк ва мафтункорлигича қолаверган. У шунинг учун ҳам буюкки, ушбу воҳа юксак тафаккур ва қудратли яратувчан меҳнат соҳиблари бўлмиш олимларни ўзига жалб этиб келган. У шунинг учун ҳам мафтункорки, гўзаллик шайдолари бўлган қадимий усталар ясаган ноёб буюмлар ҳали-ҳануз юракларни тўлқинлантирмоқда.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос" хайрия фонди вилоят бошқармаси бошлиғи.

Партиялар ҳаёти

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДАН – ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК САРИ

Бугун сиёсий партиялар ўзлари учун яратиб берилган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан самарали фойдаланаяптими? Электорат ишончини қай даражада оқламоқда? Шу саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамовга мурожаат қилдик.

– Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар замирида, аввало, инсон манфаатлари, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишдек эзгу мақсад мужассам, – деди С. Аъзамов. – Буни аҳолининг мақсадли ва манзилли ижтимоий ҳимояси йилдан-йилга кучайиб бораётганида кўриш мумкин. Бу жараёнларда партиянинг ўрни ва аҳамияти қандай бўлмоқда? Жамиятимизда демократик ислоҳотлар натижасида кўппартиявийлик тизими янада ривожланаётгани, сиёсий партияларнинг юртимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги иштироки мустаҳкамланаётгани қувонарли ҳол, албатта. Партия 2015 йилда ўзининг амалий ҳаракат дастури ва "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси юзасидан аниқ устувор йўналишларни белгилаб, изчил амалга оширди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси, партиянинг тарғибот гуруҳи, фаол аёллар ва ёшлар қанотлари, минтақавий партия кенгашлари раҳбарлари, партия фаоллари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ҳомийлар ёрдамида йил давомида турли мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди. Электорат манфаатларига дахлдор муаммоларни бартараф этишда жойлардаги партия гуруҳлари ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан самарали фойдаланди.

Ҳудудларда партиянинг бошланғич ташкилоти аъзолари, депутатлик гуруҳлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари, корхона, ташкилот вакиллари биргаликда "Аёллар бандлиги – обод турмуш гарови" лойиҳаси доирасида аёлларни иш билан таъминлашга амалий кўмак берилди.

Партиянинг "Истиқбол" ёшлар қаноти сафига 10 минг 272 нафар ёшлар бирлашган. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш мақсадида 2008 йилдан буён "Ёш сиёсатчи" кўрик-танлови ўтказиб келинади. Қувонарли жиҳати шундаки, 2008-2015 йиллар давомида 2000 дан зиёд ёшлар мазкур танловда иштирок этишди. Вилоят босқичида ғолиб бўлган оққўрғонлик Азиза Қурбонова республика босқичида ҳам ғолибликни қўлга киритди.

Эндиликда юзага келаётган муаммоларни амалий ҳал қилишда, жойларда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг доимий мониторингини олиб боришда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари имкониятларидан янада самарали фойдаланмоғимиз лозим. Хулоса қилиб айтганда, жойларда 21 та жамоатчилик қабулхоналари ташкил қилинди. Уларга 776 та мурожаат тушиб, 80 фоизи ижобий ҳал этилди.

Йил давомида вилоятнинг барча туманларида "Кексаларимиз – ёшлар эъзози ва эътиборида" лойиҳаси доирасида учрашувлар, давра суҳбатлари, ҳашарлар уюштирилди. Кексалар соғлигини тиклаш, ҳолидан хабар олиш мақсадида "Саломатлик кунлари" доирасида тиббий кўрик ташкил этдик. Ушбу тиббий кўрик жараёнларида 75 нафар нуроний-га вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига, 280 нафар қарияга эса республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларига тиббий ёрдам кўрсатиш учун тавсиялар берилди. "Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ижтимоий ҳимоя тизимининг манзиллилигини таъминлаш" мавзуида тадбирлар ишлаб чиқилиб, оналар ва болаларнинг соғлигини таъминлашга катта эътибор қаратилди.

Соғлом она ва бола йили ҳам тиббий хизмат сифатини янада яхшилашга қаратилгандир. Шу боис, жамиятимиздаги барча соҳаларда янги ютуқларга эришиш мақсадида "Ижтимоий ҳимоядан – ижтимоий фаоллик сари" лойиҳаси доирасида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан янги режаларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйдик.

Наргис ҲАСАНОВА суҳбатлашди.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Вилоят силга қарши кураш диспансерида янги бўлинмалар очилгани аҳоли учун кўплаб қулайликлар яратмоқда. Диспансер 220 ўринли бўлиб, бош шифокор А. Содиқов раҳбарлигида 21 шифокор ва 85 ҳамшира малакали хизмат кўрсатмоқда.

Терапия, жарроҳлик бўлимлари бугунги талаблар даражасида жиҳозланиб, беморларга аниқ ташхис қўйиш имкони яратилди.

– Барча беморлар молекуляр-генетик текширувлардан ўтказилмоқда, – дейди шифохона бўлим мудири Гулчеҳра Аҳмедова. – Бу текширувлар аниқ ташхис қўйиш, беморларни тўғри даволашга ёрдам бераяпти.

Шунингдек, муассаса томонидан вилоятдаги силга қарши курашиш диспансерларига компьютер, кардиомонитор, сунъий нафас олдириш аппаратлари етказиб берилиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

Муқаддас ИСРОИЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Даврон АҲМАД олган сурат.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Чиноз иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган "Жисмоний ва маънавий соғлом авлод – энг катта бойлигимиз" мавзуида спорт мусобақаси ташкил этилди.

ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбек жанг санъати федерацияси ходимлари, талаба-ёшлар ҳамда партия фаоллари иштирокидаги тадбирда ёшларнинг ҳар томонлама замонавий билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари, спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилгани таъкидланди.

– Ташкил этилган мусобақада вилоятимиз ёшлари спортнинг қўл жанги ва тош кўтариш турлари бўйича маҳоратларини намоён этишди, – дейди партиянинг вилоят кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Д. Давронов.

Мусобақа якунида ғолиб ва фаол иштирокчиларга партиянинг диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

Инсон ва табиат

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги "Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби ва экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисидаги Намунавий низом тасдиқланди. "Тошкент ҳақиқати" мухбири вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси инспектори Малика Файзуллаева билан шу ҳақда суҳбатлашди.

ЖАМОАТЧИЛИК ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИ

– Жамоатчилик Экологик назоратининг асосий вазифалари нималардан иборат?

– Жамоатчилик экологик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан амалга оширилади. Асосий вазифалари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, чек қўйиш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши ва фуқаролар соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни, мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа фаолиятларнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш, давлат ва бошқа экологик дастурларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлашдан иборат.

– Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик экологик назорат бўйича фаолияти қандай мувофиқлаштирилади?

– Улар фаолияти Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда эса тегишли ҳудудий кенгашлар томонидан мувофиқлаштирилади.

Жамоатчилик экологик назорати бўйича фаолиятга фуқаролар йиғини раиси ҳамда йиғиннинг экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссияси раиси умумий раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамоатчилик экологик назоратини республика ҳудудида ҳам, ўзининг яшаш жойида ҳам, вақтинча яшаш (бўлиш) жойида ҳам бевосита амалга ошириш ҳуқуқига эга.

– Фуқароларнинг жамоатчилик экологик назоратини олиб боришга оид ҳуқуқлари юқоридаги Низомда қай йўсинда белгиланган?

– Фуқаролар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, давлат экологик ва бошқа экологик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этишади ва шу соҳага оид қонун ҳужжатларига юридик ва жисмоний шахслар қай даражада риоя этишаётганини кузатиб боришади. Агар бу масалаларда қонун ҳужжатлари бузилишини аниқласалар махсус ваколатли ва маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, хўжалик юритувчи субъектларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилишади. Аниқланган ҳолатни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли давлат органларига мурожаат қилиб, ахборот олишади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишда, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказишда иштирок этишади. Тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, ободончилиги ҳамда кўкаламзорлиги масалаларига доир ахбороти ҳамда ҳисоботларини тинглашда иштирок этишади.

– Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш мақсадида шакллантирадиган жамоатчи инспекторлари тизими қандай ҳуқуқларга эга?

– Жамоатчи инспекторлар давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда кузатувчи сифатида иштирок этишади. Атроф-муҳитнинг ҳолати, соҳага оид қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот олиш учун тегишли давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг мурожаатини тайёрлашда қатнашадилар.

Юридик ва жисмоний шахслардан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжат ва ахборотларни олишади. Аҳолининг экологик маданиятини оширишга, экологик таълим-тарбияни ривожлантиришга доир ишларда иштирок этишади. Экологик назорат фаолияти бўйича табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан тегишли давлат органларига таклифлар киритишади. Муҳим жамоат тадбирларидаги фаол иштироки ва табиатни муҳофаза қилишга оид талаблар бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва чек қўйиш, шунингдек, айбдорларни жавобгарликка тортишдаги кўмаги учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рағбатлантириладилар.

– Жамоатчи инспекторлар иш жараёнида билиб-билмай, қонунбузилишга йўл қўйишлари мумкинми? Агар шундай бўлса, уларга нисбатан қандай жазо чораси қўлланилади?

– Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари ихтиёрий равишда фаолият юритишади. Бироқ, фаолиятлари соҳасида ҳуқуқбузарликка йўл қўйсалар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Шунга қарамай, жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда фаол иштирок этган, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва чек қўйишга ҳисса қўшган кишиларни, қайси касб эгалари бўлишларига қарамай, ҳақиқий эколог ва юксак маданият эгалари, десак муболаға бўлмайди.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.

Билиб қўйган яхши

ГАЗ ҲИСОБДОНЛАРИ НИМА МАҚСАДДА ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИЛАДИ?

"Газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартираларда ва якка тартибдаги уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 10-бандида текшириб кўриш муддати ўтган приборлар носоз ҳисобланиши ва фойдаланишга қўйилмаслиги кўрсатилган. Шунга мувофиқ носоз прибордан фойдаланилмайди, яъни унинг кўрсаткичлари асосида тўловлар амалга оширилмаслиги лозим. Газ ҳисобдонини текшириб кўриш муддати ўтган кундан бошлаб тўловларни меъёр асосида тўлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Меъёрлар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сон қарорининг 5-иловаси билан тасдиқланган.

Газни ҳисобга олиш приборлари қандай тартибда текширувдан ўтказилади, деган савол туғилиши табиий. Адлия вазирлигида 2014 йил 30 июль куни 2604-сон билан "Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом" рўйхатга олинган. Унинг 3-бандида жисмоний шахслар хонадонларидаги газни ҳисобга олиш приборлари 4 йилда 1 марта даврий текширувдан ўтказилиши, бу муддат ўтиб кетган тақдирда, улардан белгиланган тартибда текширувдан ўтказилгандан сўнг фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

Низомга кўра ҳудуддаги газ таъминоти корхонаси газ ҳисобдонининг амал қилиш муддати тугашидан ўттиз кун олдин истеъмолчини ҳисобдонни даврий текширувдан ўтказиш зарурлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради. Истеъмолчи ҳисобдонни текширувдан ўтказиш учун уни ечишни сўраб ҳудуддаги газ таъминоти корхонасига ариза билан мурожаат қилади. Корхона мутахассиси ариза берилгандан сўнг, беш иш куни ичида ҳисобдонни текширувдан ўтказиш учун истеъмолчи иштирокида ечиб олади. Истеъмолчи ҳисобдонсиз газ тармоғига уланса, фойдаланилган газ учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳақ тўлайди. Ҳисобдонни давлат метрология хизмати органи уч кун ичида текширувдан ўтказади.

Истеъмолчилар Низомнинг тўлиқ матни билан www.lex.uz портали орқали танишишлари ёки тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонасига мурожаат қилишлари мумкин.

Навбатдаги (белгиланган муддатда) текширишдан ўтказишда газ ҳисобдонининг носозлиги аниқланиши табиий газ бўйича олдинги даврнинг ўтиши қайта ҳисоб-китоб қилинишига сабаб бўлмайди. Ҳисобдоннинг текшириш муддати ўтган даври учун қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Умриузоқ ҒАНИЕВ, вилоят Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси.

Мавсумий жараён

"Қиш ғамини ёзда е" деган нақлда хикмат кўп. Зеро, қиш-қировли кунларнинг изғирину совуғига тайёргарлик тадоригини ёзда кўриб қўймаган корхона, ташкилот ва муассасалар, шунингдек, хусусий уй-жой эгалари ҳам нохуш аҳволда қолишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИДА МУАММО ЙЎҚ

Айниқса, шаҳар ва туманларнинг иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш корхоналари куз-қиш мавсумига ҳар томонлама эрта ва пухта тайёргарлик кўришлари зарур. Акс ҳолда қишнинг қаҳратон кунларида ишлаб чиқариш тармоқлари ва аҳоли турар-жойларида турли муаммолар юзага келиши мумкин.

– Кеч куз ва эрта баҳор оралиғидаги ёғинсочинли ва қиш-қировли кунларда иссиқлик таъминотида нохуш муаммоларга дуч келмаслик учун корхонамиз тармоқларини мавсумга ҳар йили барвақт ва мукаммал тайёрлашни одат қилганмиз, – дейди Чирчиқ шаҳар иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Муроджон Обидов. – Бунинг учун бутун тармоқдаги аҳвол атрофлича ўрганилиб, шунга мувофиқ мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари режаси тузилиб, бир бошдан амалга оширишга киришилади.

Корхона таҳририятимизга тақдим этган маълумотлардан ҳам 2015-2016 йиллар куз-қиш мавсумига ҳар жиҳатдан мукаммал тайёргарлик кўришга ҳаракат қилингани сезилиб турибди. Одатдагидек, тайёргарлик энг муҳим тармоқлардаги мукаммал таъмирлаш ишларидан бошланган. Чунончи, 278 метр узунликдаги иссиқлик тармоқлари, 11 та насос ва 6 та электр двигатель барвақт мукаммал таъмирлаб қўйилди. Бу ишларга 138 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Иссиқлик электр энергияси ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги, аввало, қозонхоналарнинг ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Шу боис, куз-қиш мавсумига тайёргарлик билан боғлиқ жорий таъмирлашга анча барвақт киришилди. Мавжуд 12 та қозонхонадаги камчилик ва нуқсонлар вақтида бартараф этилди. 23 та қозон эса муддатидан илгари мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Шунингдек, 89,1 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари жорий таъмирланди. Бундан ташқари, режада белгиланган миқдорда техник туз захираси яратилди. Пайвандлаш аппаратлари, сув тортиш ускуналари, электр пайвандлаш генераторлари ҳам ишга соз ҳолда сақланмоқда.

Самад ЙЎЛДОШ.



ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 13 январь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-2 даража совуқ, кундузи 8-10 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража илиқ, баъзи жойларда 2 даражагача совуқ, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Қор кўчиши хавфи бор. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ, 3 даража илиқ бўлади.

ЭЪЛОН

ИШГА ТАКЛИФ

"Maxam-Chirchiq" AJ шўъба корхонаси – "Chirchiq agro food" МЧЖ директори лавозимига танлов асосида ишга таклиф этади.

Лавозим вазифалари:

– чорвачилик мажмуасига раҳбарлик қилиш, жумладан, қорамолларни етиштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлаш, гўшт-сут ва полиз маҳсулотларини сотиш ишларини ташкиллаштириш;

– корхона рентабеллиги ва режалаштирилган мақсадли молиявий кўрсаткичларни таъминлаш.

Номзодга қўйилган талаблар:

– "Агротехник", "Агроном", "Ветеринар", "Зоотехник" мутахассисликларидан бири бўйича олий маълумотнинг мавжудлиги;

– мутахассислиги бўйича раҳбарлик лавозимларида камида 3 йиллик тажрибага эга бўлиши.

Иш жойи:

– Қибрай тумани, Ўнқўрғон қишлоғи.

Мурожаат учун электрон почта ва телефон рақамлари:

e-mail: ok@maxam-chirchiq.uz,

0 (37071) 9-34-08, 9-35-00, 6-66-47 (факс).

Болалар спорти

ҲАМ ЖИСМОНИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ ТОБЛАНИШМОҚДА

"Шундай қорли кунда сузишга бориш шартми? Қодиржон касал орттирмаса бўлдий-ди, – дея Собир ота набирасини машғулотдан олиб келишга отланди. – Баҳонада шарт-шароитни кўриб келаман".

Бинога кирди-ю, ҳайратдан лол қолди. Кенг, ёруғ бинодаги сузиш ҳавзасида набирасини кўриб кўзи қувнади. "Ҳа, хона ҳарорати ёмон эмас, Қодиржон шамолламаслиги аниқ", ўйлади ота.

Дарҳақиқат, Бўка туманидаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига келсангиз, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

Юртимизда ёшлар тарбияси, уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб вояга етишларига катта эътибор қаратилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани бу соҳадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Зеро, Юртбошимиз: "Ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан муносиб ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда", дея таъкидлайдилар.

– Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш, аввало, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади, – дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори вазифасини бажарувчиси Элдор Мирҳолиқов. – 2003 йилда жамғарманинг вилоят бўлими ташкил этилди. Бу болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг кенг оммалашишига, соғлом ҳаёт тарзи қарор топишига туртки бўлди десак, янглишмаймиз.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ вилоятда 19 та объект қуриш, реконструкция қилиш назарда тутилган эди. Жумладан, Оҳангарон, Оққўрғон, Пискент, Паркент, Қуйи Чирчиқ, Зангиота каби туманлардаги мактабларда спорт заллари қуриб, фойдаланишга топширилди. Қибрай, Ўрта Чирчиқ туманларидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби реконструкция қилинди ва спорт зали барпо этилди. Бўка туманидаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилди. Қуйи Чирчиқ туманидаги спорт мактабида ҳам спорт зали ва ўйингоҳ трибунаси капитал таъмирланди. Бундан ташқари, мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари спорт заллари зарур анжом, жиҳоз ва инвентарлар билан таъминланди. Бунга жами 1,8 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Бу саъй-ҳаракатлар самараси вилоятимиз спортчилари қўлга киритаётган ютуқларда ўз аксини топмоқда. Хусусан, Италияда таэквондо бўйича жаҳон чемпионатида чинозлик А. Сотиболдиев иштирок этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Ёшлар, ўсмирлар ва катталар ўртасида спортнинг каратэдо тури бўйича Сингапурда ўтган халқаро турнирда 12 нафар спортчимиз муваффақиятли қатнашди.

Мухтасар айтганда, вилоятда 2015 йилда 23 миллиард 500 миллион сўм маблағ ҳисобидан ўнлаб янги болалар спорти объектлари қурилди, реконструкция қилинда ва замонавий талаблар асосида жиҳозланди.

Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Саломат бўлинг...

АНГИНА, ФАРИНГИТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Кўпчилик ангина ва фарингитдан азият чекади. Бироқ, халқ табобатида шундай усул борки, уни қўллаб, бу дарддан халос бўлиш мумкин.

Майда тўғралган саримсоқни, сирли идишга солиб, асал қўшинг. Асал саримсоқни қопласин, кейин идишни паст оловга қўйиб, ичидагини 20 дақиқа аралаштириб туринг.

Бироз совигач, озроқ сув қўшиб, қайта оловда қиём ҳолига келгунича кутинг. Тайёр бўлган қиём йўтал қийнаганда, тонзиллит ва фарингитда шифо бўлади. Болаларга 1 чой, катталарга эса 1 ош қошиқдан, ҳар уч соатда бериш лозим.

АСАЛАРИ ЗАҲРИ ШИФО

Апитерапия, яъни асалари заҳри билан даволаш халқ табобатида қадимдан қўлланилади.

Кўп ари чаққан одамнинг боши айланади, оғрийди, кўнгли айнайди. Қон босими тушиб, вақт ўтгач, иситма кўтарилади. Ари заҳрининг ози шифобахшдир. У қон айланиши ва уйқуни яхшилайди, шунингдек, у билан боғлиқ муолажа бел оғриғи, юз нерв фалажи, полиневрит, қовурғалараро невралгия ва невритларга, қон томир хасталиклари, жумладан, атеросклероз, бронхиал астмада яхши самара беради. Бироқ, қўллашдан олдин беморнинг аҳволини ўрганиш, унда ари заҳрига монелик бор-йўқлигини аниқлаш керак. Бунинг учун 1 дона арига чақтириб, игнаси 10 сониядан кейин суғуриб ташланади. Бир кун ўтгач пешобда оқсил пайдо бўлмаса, муолажани бошлаш мумкин.



Илмира ЛАЗИЗОВА тайёрлади.

Кўзгудаги ўзимиз

ПИЁНИСТАНИНГ ПАДАРИ...

Саҳарлаб Мақсадбекларнинг эшигини қоққан маҳалла маслаҳатчиси Марҳаматхон: "Зора отаси уйда бўлса" деб қўйди. Бироқ, эшик очган Салима: "Адамиз воҳли ишга кетгандилар", дея гапни қисқа қилди.

"Э, онасига айта-айта чарчадим, яхшиси отасини идорага чақиртирамиз", деганича, Марҳаматхон ортига қайтди. Тинимсиз қўнғироқлар фойда бермагач, Мурод Азизовичнинг ишхонасига хат ёзди.

– Тўғрида, уйингизга қатнайвериб бўларим бўлди, – деди Марҳаматхон Муроднинг эътирозига жавобан. – Ўғлингизнинг юриш-туришидан хабарингиз борми? Баҳолари, дарсга келиб-кетиши билан қизиқасизми ўзи?

– Онаси бекорга уйда ўтирибдими? Эркак кўчанинг одами. Майли, вақт сарфлаб келдим энди, эшитиб кета қолай. Хўш ўғлим нима қипти?

– Ахир, мактабга бормай, ўзига ўхшаган тўртбеш такасалтанг билан тўда тузиб, йўлтўсарлик қила бошлаганини билсангиз керак?! Ўзидан кичик болалардан пул талаб қилиши, қизларга шилқимлик қилишига-ку, ишонмассиз? Тунов куни бошқа мактаб ўқувчилари билан муштлашибди. Ярим тунда кўчада тентираб юрганини маҳалладагилар кўрган.

– Булар ҳали болада, вақти келиб қуйилиб қолар.

– Бу нима деганингиз? Гап болангизнинг эртаси ҳақида-ку, ахир!

– Майли, ўғлим билан ўзим яхшилаб гаплашиб қўяман, – деди-ю Муроджон телефонда гаплашганча маҳалла идорасидан чиқди.

Мақсадбек бир амаллаб мактабни битириб, касб-ҳунар коллежида ўқий бошлади. Уч-тўрт ой ўтар-ўтмас, яна ҳаммаси бошидан бошланди. Уйига келган ўқитувчиси доим "адамиз ишдалар, адамиз хизмат сафаридалар", деган жавобни эшитарди. Ота эса ўз ишига, пул топишга шу қадар муккасидан кетгандики, ҳатто, ўғлини ҳафталаб кўрмасди.

Бора-бора Мақсадбек кўп ичадиган, кечалари уйга келмайдиган одат чиқарди. Бир куни тун ярмида сафардан қайтган Муроджон дарвозаси ёнида ётган маст одамга кўзи тушди.

– Падарингга лаънат, пиёниста, келиб-келиб мани эшигим тагида ётасанми? – деб оёғи билан туртди. Қараса, ўғли Мақсадбек...

Хушига келган Муроджон кўзини очиб, касалхонада ётганини пайқади. Ўрнидан туришга ҳаракат қилди-ю, қўл-оёғини қимирлата олмади... Шу аснода ўғлини ички ишлар ходимлари олиб кетишганини эслади. Маълум бўлишича, Мақсадбек йигитлар билан муштлашган. Улардан бири бошидан жароҳатланиб, ҳаётдан кўз юмибди...

"Бугунги ўғри, фирибгар ва хулқи ёмон кимсалар, кеча тарбиясига эътибор берилмаган болалардир", деган эди Абдулла Авлоний. Психологларимиз олиб борган тадқиқотларга кўра, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этган шахсларнинг аксарияти носоғлом оилада ўсган, қотилликка қўл урганларнинг кўпи эса, ота-она меҳрига, эътиборига зор бўлиб вояга етган болалардир.

Халқимизда "Тарбия оиладан бошланади", деган гап бор. Бинобарин, фарзандларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, кўча-куйда бемақсад юришларига, кимлар билан ошнаоғайни бўлишига бефарқ қараш катта муаммоларни келтириб чиқаради.

– Юртбошимиз: "Болалар тарбиясини маҳкам ушлашимиз, сен кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлодисан, қандай бебаҳо маънавий меросининг ворисисан, деган гапларни уларнинг қулоғига қуйишимиз, бугун яхши яшаяпмиз деб, талтайиб кетмаслигимиз, оёғимиз ердан узилмаслиги зарур, зеро, бу ҳам жиддий бир ҳавф" дейдилар, – дея ўз фикрини билдирди Чиноз тумани "Наврўз" маҳалласи маслаҳатчиси Ўлмасой Исмоилова. – Бинобарин, келажак ворислари ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етса, юрт, давлат барқарорлиги, миллат давомийлиги таъминланади. Бунда аввало, ота-она, мактаб, маҳалла, катта роль ўйнайди. Зеро, "ота ўз фарзандига чиройли тарбиядан яхшироқ мерос қолдиролмайди", дейди боболаримиз.

Гарчи, Муроджон ўзи нуфузли идорада ишласа ҳам, вақт топиб, фарзанди тарбиясига эътибор берганида, бугун "менга сизнинг эътиборингиз, меҳрингиз керак эди", деган таънани эшитмасди. Ўзи эса "ўғли қамалибди" деган иснодга чидай олмай, тўшакка михланмаган бўларди.

Ирода МАҚСУДОВА.

Кўргазма

МЕНИНГ АРМИЯМ – МЕНИНГ ФАХРИМ

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Бадиий академия ҳамкорлигида "Менинг армиям – менинг фахрим!" деб номланган танлов-кўргазма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ўринбосари М. Солиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида мамлакатимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз шаклланганини таъкидлади.

Танловда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари, умумтаълим ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ва ўқитувчилари, шунингдек, профессионал рассомлар, фотоусталари ўз ижодий ишлари билан иштирок этди.

Мазкур танловдан кўзланган мақсад Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар, миллий армиямизнинг жамият ва давлат олдидаги ўрни ва аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёшларга етказишдан иборатдир. Бу каби танловлар ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, фидойилик, дахлдорлик каби ғояларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

– Болалигимдан ҳарбийликка қизиқаман, – дейди танлов ғолиби Дилшод Шомуродов. – Бугун "Алпомиш" деб номланган картинам ва қатор ижодий ишларим билан қатнашдим. Юртимизда ижодкорларнинг истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шароит яратилган. Мен ҳам бу имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Кўргазмада 180 ижодкорнинг икки юздан ортиқ ижодий иши намойиш этилмоқда.

Ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

Ш. МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири.

Бу – қизиқ

Ўрмон – бир-бирига ва ўсиш шароитига таъсир этувчи, географик ландшафт элементини ҳосил қилувчи дарахтсимон ўсимликлар мажмуасидир.

* * *

Ер шаридаги қуруқликнинг 30 фоизи ўрмонлардир. Уларнинг майдони 4 миллиард гектарни ташкил қилади.

* * *

Ўрмонзорлар қарағайли, кедрли, оқ қарағайли, тилоғочли ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин.

* * *

Ўрмонзорлар инсоният учун керакли бўлган кислороднинг 60 фоизини ишлаб чиқаради.

* * *

Дунё бўйича қуруқликдаги ўрмоннинг жами ёғоч захираси 356,7 миллиард куб метрни ташкил этади.

* * *

Ўрмон ёғочларидан 20 мингдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ҳар йили тайёрланадиган ёғоч миқдори 3,2 миллиард куб метрдан кўпроқ. Ёғоч захиралари Лотин Америкаси, Россия, АҚШ, Канада ва Бразилияда кўп.

* * *

Ўрмон ресурслари бойликларидан энг муҳимлари бу – озиқ-овқат ва ем-хашак ресурсларидир.

* * *

Ўрмон хўжалиги корхоналарида йилига 30-35 минг куб метр ёғоч, шу жумладан, 2 минг куб метрдан ортиқ бинокорлик ёғочлари ва 150 тоннадан ошиқроқ ўсимлик уруғлари тайёрланади.

Кулганга нима етсин

Биология дарсида ўқитувчи бир ўқувчидан сўради:

– Қарғалар неча йил умр кўради?

– Етмиш-юз йигирма йил.

– Чўртан балиқ-чи?

– Юз-юз эллик йил.

– Оддий қурбақачи?

– Ўттиз беш йил.

– Сичқон-чи?

– Сичқоннинг қанча умр кўриши мушукка боғлиқ.

* * *

Бир киши ҳовлиқиб шифокорга сим қоқди:

– Доктор, беш яшар ўғлим авторучкамни ютиб юборди!

– Ҳозир бораман! – деди доктор.

– Сиз келгунингизча мен нима қилай?

– Қаламда ёзиб туринг!



XXI аср ва Дунё

КЎПРИК СОВУКДАН ЁРИЛИБ КЕТДИ

Канаданинг шарқий ва ғарбий қисмини бирлаштирувчи ягона магистралдаги янги кўприк кучли совуқ туфайли ёрилиб кетгани ҳақида хабар тарқатди CBC телеканали.

Маълумотда таъкидланишича, ушбу носозлик сабабли трансканада магистралининг шу қисмидаги ҳаракат тўхтатилди. Полиция маҳкамасидан хабар қилинишича, Онтарио вилоятининг шимолидаги Нипигон дарёси устидаги ушбу кўприк "техник носозлик" сабабли номаълум муддатга расмий равишда ёпиб қўйилди. Нипигон шаҳри ҳокими Ричард Харви таъкидладики, трассанинг муайян қисмлари ёпиб қўйилгани боис манзилига етолмай қолган йўловчилар учун вақтинчалик бошпаналар очилган.

Онтариодаги бу русумли биринчи кўприк 2015 йилнинг ноябрида очилган эди. Энди совуқ туфайли юз берган носозликни 2017 йилгача бартараф этиш мўлжалланмоқда.

ЎЗГА САЙЁРАЛАРГА УЧИШ

Халқаро космик станцияга парвоз қилувчи навбатдаги 47-экспедиция аъзолари космосда узоқ муддат бўлишнинг инсон танасига таъсирини ўрганишга қаратилган синовдан ўтадилар.

Ушбу маълумот экипаж аъзоларининг Хьюстондаги НАСА учишни бошқариш марказида уюштирган қўшма матбуот анжуманида эълон қилинганини таъкидлади ТАСС агентлиги. Экипаж командири Алексей Овчининнинг сўзларига қараганда, ушбу синов натижалари "олимларга одамларнинг ўзга сайёралар ҳамда астероидларга саёҳат қилиш ва яхши жисмоний ҳолатда қайтиш имконини берувчи омиллар хусусида муҳим хулосалар олишга кўмаклашади". Синов давомида олимлар асосий эътиборни космонавтларнинг бош суяги ичидаги босим ҳамда уларнинг томирларидаги қон босимлари ўзгаришларига қаратишни мўлжаллашмоқда.

Халқаро космик станцияга парвоз қилувчи 47-экипаж россиялик космонавтлар Алексей Овчинин, Олег Скрипочка ва америкалик астронавт Жефф Уильямсдан иборат. Ушбу экипажнинг Бойқўнғир космодромидан "Союз-ТМА-20М" кемасида 19 март куни халқаро космик станцияга парвоз қилиши кутилмоқда. Экипаж космосда олти ой давомида 250 га яқин илмий тадқиқотлар олиб боради.

«ACER»ДАН ЯНГИ НОУТБУК

Лас-Вегасда ўтган CES 2016 кўргазмасида иштирок этган мутахассисларнинг бири берган хабарда айтилишича, Acer компанияси Aspire Switch 12S янги ноутбукни тавсия этди.



Ушбу янги ноутбукнинг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, унда яхшиланган Intel Realsense 3D технологияси қўлланган. Учта камера суратга тушириладиган объектни уч ўлчамда тасвирлаш имконини беради. Шунингдек, унинг дисплейи тирналмайдиган мустаҳкам ойна билан қопланган.

Aspire Switch 12S иш унумдорлиги мақбул даражада бўлгани ҳолда жуда кам электр қувватини истеъмол қилади. Ушбу аппаратнинг оғирлиги клавиатураси билан бирга 1400 грамм, планшет қисми эса 800 грамм. Унинг нархи Европада 1200 евро атрофида.

ТИМСОҲ БИЛАН СУРАТГА ТУШМАНГ

Ҳайвонлар билан "тиллаша оладиган" ирландиялик 29 ёшли Аллан Диксонни Голливуд камедияларидан бирининг қаҳрамони "доктор Дулиттл" номи билан аташмоқда.

Гап шундаки, айни пайтда Австралияда яшаётган бу йигит турли ҳайвонлар, шу жумладан, ёввойи йиртқичлар билан ҳам "гаплашиш"га жуда уста. Айнан шу хислати уни Instagramнинг юлдузига айлантирди.

Аллан жуда кўп саёҳат қилади ва йўлида учраган ёввойи ҳайвонларни авраб, бирга суратга тушишни уддалайди. Ўзининг айтишича, ҳар бир ҳайвон билан "музокара" олиб бориш учун беш дақиқадан уч соатгача вақт кетар экан. Бу, албатта, ҳайвоннинг тури ва қай даражада йиртқичлигига боғлиқ. "Доктор Дулиттл" йиртқичлар билан суратга тушишни хоҳловчиларга жуда эҳтиёт бўлишни маслаҳат беради. Акс ҳолда йиртқични ғазаблантириб қўйишлари мумкин. Унинг энг муҳим маслаҳатларидан бири "тимсоҳ билан суратга тушмаслик". Гарчи ўзи қўрқмай шундай қилган бўлсада.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётганини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда. Яъни тадбиркорликни ривожлантириш давр талабига айланиб бормоқда. Бу борада ҳукуматимизнинг хусусий мулкнинг шаклланиши ва шу асосда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кенгайтиришга қаратилган қарор ва фармонлари қабул қилинган. Бу ҳақда мамлакатимиз раҳбарининг сўзларини келтириш ўринлидир: "Бу борада "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамиятини алоҳида таъкидлашни истардим...

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, хусусий мулк, кичик бизнес эгалари ва тадбиркорларимизнинг йўлини янада кенгайтириб берадиган бундай қарор ва тадбирларимизни кўпайтиришимиз ва самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб вазифамизга киради..."

